8. Ахмедова О.Б., Мавлонов Б.А., Савриев Ш.Ш., Ражабов Р.Н. «Шўртангазкимё» мажмуаси иккиламчи маҳсулоти қуйи молекулали полиэтиленни қўллашнинг йўналишлари // Материалы Международной научной конференции «Инновационные решения инженерно-технологических проблем современного производства», Бухара-2019 г, С. 429-431.

9. Ахмедова О.Б., Фозилов С.Ф., Савриев Ш.Ш. Нефт маҳсулотлари учун кўп функционалли турғунлаштирувчи депресловчи қўндирмалар таъсирини математик моделлаштириш // III-международная конференция-симпозиум «Внедрение достиже-ний науки в практику и устранение в ней деятельности коррупции», Ташкент-2019 г, С. 427-431.

10. Мирзаев, С. С., & Хожиева, Р. Б. (2015). Газохроматографическое исследование нефтяных продуктов. Молодой ученый, (4), 224-225.

ПОЛУЧЕНИЕ ПЭТ-ВОЛОКНА ИЗ СМЕСИ ГРАНУЛ

Нилуфар Сайфулла кизи Султанова,

Саодат Хаитовна Хасанова,

Шавкат Холмуродович Шаманов

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

sh.shamanov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Для производства конкурентоспособной текстильной продукции с высокой добавленной стоимостью, пользующейся устойчивым спросом на мировом рынке необходимо создание в стране новых производств по выпуску химических волокон, в частности полиэфирных на основе местного сырья. В республике налажено выпуск полиэфирного волокна и нити с использованием привозных гранул из первичного и вторичного полиэтилентерефталата (ПЭТ) и из отходов упаковочных материалов, перерабатываемых в местных функционирующих производствах. Однако неоднократно перерабатываемое сырье с каждым разом теряет свои особые свойства, что впоследствии отражается на физико-механических показателях текстильных волокон и нитей, поэтому выработка качественных полиэфирных волокон и нитей, сочетаемых со свойствами других в стране производимых природных волокон является актуальной задачей.

В статье рассматривается вопрос возможности получения ПЭТ волокна из первичного и смеси первичного и вторичного гранул полиэтилентерефталата на лабораторной установке по способу вытягивания с последующим их крашением с дисперсными красителями. Изучено влияние концентрации красителя, интенсификатора, поверхностно-активного вещества на интенсивность окраски ПЭТ волокна из смеси гранул соотношения 70:30. Показано зависимость прочности окраски волокон к мыльной обработке от температуры и продолжительности процесса крашения.

Ключевые слова: полиэтилентерефталат, гранула, волокно, крашение, краситель, прочность окраски.

PRODUCTION OF PET FIBER FROM A MIXTURE OF GRANULES

Nilufar Sayfulla khizi,

Saodat Khaitovna Khasanova,

Shavkat Kholmurodovich Shamanov

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

sh.shamanov@mail.ru

ABSTRACT

For the production of competitive textile products with high added value, which are in steady demand on the world market, it is necessary to create new production facilities in the country for the production of chemical fibers, in particular polyester, based on local raw materials. The country has launched the production of polyester fiber and thread using imported granules from primary and secondary polyethylene terephthalate (PET) and from waste packaging materials processed in local operating industries. However, repeatedly processed raw materials each time lose their special properties, which subsequently affects the physical and mechanical properties of textile fibers and threads, so the development of high-quality polyester fibers and threads, combined with the properties of other natural fibers produced in the country, is an urgent task.

The article deals with the issue of the possibility of obtaining PET fiber from primary and a mixture of primary and secondary polyethylene terephthalate granules in a laboratory installation by the method of drawing, followed by their dyeing with disperse dyes. The influence of the concentration of dye, intensifier, surfactant on the color intensity of PET fiber from a mixture of granules with a ratio of 70:30 was studied. The dependence of the color strength of fibers to soap treatment on the temperature and duration of the dyeing process is shown.

Keywords: polyethylene terephthalate, granule, fiber, dyeing, dyestaff, color fastness.

ВВЕДЕНИЕ. Обеспечение потребности населения земного шара натуральными волокнами на сегодняшний день просто невозможно, однако этот дефицит можно восполнить за счет химических волокон, что позволит увеличить разнообразии выпускаемой текстильной и швейно-трикотажной продукции. При этом следует отметить особенности производства синтетических волокон, связанных с дешевизной исходного сырья,

незначительными затратами материальных, трудовых и энергетических ресурсов, а также несложной технологией их производства. Среди широко используемых синтетических волокон особое место занимают полиэфирные, которые во многих странах мира производят из полиэтилентерефталата, представителя волокнообразующих полимеров, используемого не только в производстве текстильных волокон, но также в большом объеме в производстве упаковочных материалов. По сравнению с другими пластиками довольно легкая перерабатываемость полиэтилентерефталата позволило ему стать за последнее время самым значимым пластиком в мире с широкими возможностями использования (гранулы и пленки для упаковки, одежда, ковры и т.д.). Однако развитие упаковочной продукции влечет за собой скопление огромного количества пластиковых отходов, требующих их переработки.

2018 ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ. За последнее годы крупнейшими производителями полиэтилентерефталата поднят вопрос полнейшей переработки ПЭТ в ПЭФ волокна, а для выпуска тар специалисты рекомендуют использовать полипропилен, как доступного, легкого, энергетически малозатратного и экологически чистого полимера. Патентуется метод получения композиции, на основе вторично переработанных отходов полиэтилентерефталата и полимерных волокон и материалов на основе этой композиции (содержание вторичного полиэтилентерефталата может составлять от 25% до 100%) [1].

В работе исследован процесс получения текстильного волокна из вторичного ПЭФ и его смеси с первичным ПЭТФ. В процессе формирования волокна обнаружено снижение предела прочности на разрыв волокон и увеличение удлинения при разрыве с уменьшением линейной плотности волокон. Ухудшение свойств при растяжении волокон на основе полимерных смесей авторы объясняют наличием окисленных фрагментов во вторичном ПЭТФ, что ограничивает совместимость двух полимеров [2].

В данной работе рассматривается вопрос возможности получения и колорирования ПЭТ-волокна, сформованного в экспериментальной лабораторной установке по способу вытягивания.

В экспериментах формование ПЭТ-волокон проводилось из первичного (ППЭТ) (100%), смеси первичного и вторичного (ППЭТ:ВПЭТ) (70:30) гранулятов. Формование ПЭТ-волокон осуществлялось на экспериментальной волоконформирующей установке, главными узлами, которой являются камера для расплавления гранулы полимера, мотовилы для намотки волокна и реостата для контроля скорости формования. Процесс формования волокон из ПЭТ гранул проводился при температуре 270-280°C, скорость формования 60 м/мин.

РЕЗУЛЬТАТЫ. Проведено морфологическое исследование поверхности ПЭТ волокон с использованием метода растровой микроскопии. Микроскопические фотографии ППЭТ и ППЭТ:ВПЭТ волокон состава 70:30 представлены на рис.1.




Рис.1. Микроскопические снимки ПЭТ волокон:

а – волокно из ППЭТ, б – волокно из смеси ППЭТ:ВПЭТ

Структура ППЭТ волокон характеризуются равномерной толщиной по длине, гладкой наружной поверхностью, при увеличении поверхности элементарного волокна можно заметить примеси малого размера. При осмотре пучка из смеси ППЭТ:ВПЭТ соотношения 70:30 можно заметить элементарные волокна разной толщины с искривленными частями по всей длине, поверхность менее гладкая, наблюдаются трещины.

Проведены испытания по определению хемостойкости ПЭТ волокна по отношению концентрированной серной кислоте и 40%-ного раствора щелочи (табл.1)

Таблица 1

Хемостойкость волокна из ППЭТ:ВПЭТ соотношения 70:30

Химический реагент	Время обработки, мин		
	60	90	120
Конц. серная кислота	Набухшее состояние	Частичное растворение	Полное растворение
40%-ный раствор едкого натра	Без изменений	Набухшее состояние	Полное растворение

Как видно из таблицы ПЭТ волокно из смеси первичного и вторичного гранулятов обладает временную стойкость по отношению агрессивным средам,

при этом наиболее устойчив к раствору щелочи. В дальнейшем полученные волокна подвергали к химической отделке - крашению.

ОБСУЖДЕНИЕ РЕЗУЛЬТАТОВ. Как известно, гидрофобные волокна практически не набухают и это является одним из причин сложной технологии их крашения. Эффективный свободный объем и поверхность, необходимая для диффузии и сорбции красителя у полиэфирах создается за счет повышения температуры обработки выше 100°C ($120-130^{\circ}\text{C}$) или путем введения в красильную ванну специальных переносчиков – интенсификаторов при кипении. Ранее для крашения волокон из первичного, вторичного ПЭТ гранул полученных способом вытягивания авторами был рекомендован состав красильной ванны и технология крашения [3,4]. Крашение ПЭТ волокон проводилось при кипении в присутствии ПАВ (1–2 г/л), уксусной кислоты ($\text{pH}=5-5,5$) и салициловой кислоты в качестве интенсификатора (3 г/л). Продолжительность крашения составляет 3 часа.

Первоначально было изучено влияние концентрации красителя на интенсивность окраски ПЭТ волокна (Рис.2). Концентрацию красителя варьировали в пределах 1-4%.




Рис.2. Влияние концентрации красителя на интенсивность цвета ППЭТ:ВПЭТ волокна соотношения 70:30.

Как видно из рисунка с увеличением концентрации красителя как Российского и турецкого производства наблюдается повышение интенсивности окраски цвета. При концентрации дисперсного красителя 2% от массы волокна интенсивность окраски волокна, окрашенной Setalan red-GL составляет $K/S=32$,

когда показатель интенсивности волокна колорированной дисперсным алым составляет $K/S=29$, что может быть связано малыми размерами частиц красителя Setalan red-GL. Такую же интенсивность как у Setalan red-GL, волокно ППЭТ:ВПЭТ соотношения 70:30 достигает при концентрации красителя 3% от массы волокна. Дальнейшее увеличение количества красителя в красильной ванне существенного влияния не оказывает на интенсивность окраски при использовании Setalan red-GL, а в случае дисперсным алым наблюдается снижение показателя интенсивности цвета.

На следующем этапе было изучено влияние концентрации интенсификатора на колористические свойства волокна из ППЭТ:ВПЭТ 70:30. Концентрацию интенсификатора варьировали в порядке от 3 до 9 г/л (Рис.3).




Рис.3. Влияние концентрации интенсификатора на интенсивность цвета ППЭТ:ВПЭТ волокна соотношения 70:30.

Как видно из рис.3 введение переносчика — салициловой кислоты в красильную ванну оказывает экстремальное влияние, так при концентрации СК 3 г/л интенсивность окраски волокна составляет $K/S=32$, которая повышается при введении 5 г/л СК, и составляет $K/S=34$, а дальнейшее повышение концентрации уже приводит к снижению показателя интенсивности окраски.

Дисперсные красители по природе являются малорастворимыми красителями, а для повышения их растворимости обычно в ванну для крашения вводят диспергаторы, в частности поверхностно-активные вещества (ПАВ). В процессе проведения крашения было изучено влияние содержания неионогенного ПАВ (рис.4) на колористические показатели ПЭТ волокна, концентрацию которого варьировали в пределах от 1 до 4 г/л.




Рис.4. Влияние концентрации ПАВ на интенсивность цвета
ППЭТ:ВПЭТ волокна соотношения 70:30.

Результаты проведенных испытаний, показывают, что присутствие неионогенного ПАВ в красильной ванне, положительно сказывается на колористических данных волокна, т.е., чем больше содержание диспергатора, тем выше показатель интенсивности окраски. Так при концентрации ПАВ 3 г/л интенсивность цвета у волокна составляет $K/S=29$.

При крашении синтетических волокон немаловажное значение имеет температура и время крашения [5], для определения, которой на следующем этапе исследовано влияния кинетики крашения на прочностные показатели окрашенного волокна после обработки их в мыльном растворе (табл.2).

Таблица 2

Влияние температуры и продолжительности крашения
на прочность окраски волокна

Температура крашения, °C	Продолжительность крашения, мин		
	30	45	60
70-75	3/4/3	4/5/4	4/5/4
80-85	4/4/5	4/4/3	4/4/4
90-95	5/4/5	5/5/4	5/4/5

Как видно из таблицы с повышением температуры и продолжительности крашения достигается упрочнение окраски волокна к мокрому воздействию на 1-2 балла по сравнению с волокнами, окрашенными при более низких температурах, что является результатом капсуляции молекул красителя на

свободных объемах, образованных на поверхности волокна в присутствии салициловой кислоты.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ. Таким образом, на основе проведенных исследований показано возможность формования ПЭТ волокна из смеси первичного и вторичного гранул соотношения 70:30. Повышение температуры крашения и введения в красильную ванну интенсификатора процесса благоприятно сказываются на колористических и прочностных показателях окрашенного волокна.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Recycled polyethylene terephthalate compositions, fibers and articles produced therefrom, and methods for producing same: Пат. 9695313 США, МПК C08J 11/04 (2006.01), C08L 67/02 (2006.01). Columbia Insurance Company, Booth Hubert J., Bradley Christopher Eric, Johnson Daniel Ray, Keen (Jr) James Henry.
2. Получение и характеристика волокон из полиэтилентерефталата, его отходов и их смесей. Preparation and characterization of fibers of waste and fresh polyethylene terephthalate and mixtures of them. Kostov George, Atanassov Atanas, Kiryakova Dimitrina. Fiber.and Polym. 2013. 14, №2, с. 216-222.
3. Шаманов Ш.Х., Хасанова С.Х., Набиева И.А. Изучение процесса крашения полиэфирного волокна. Журнал “Вестник науки и образования” Москва - 2018. - № 12 (48). – с. 23-26.
4. С.Х.Хасанова, Ш.Х.Шаманов, И.А.Набиева. Изучение возможности получения и формования волокон из местных полиэтилентерефталатных гранул. Вестник СПГУТД, №1, 2020, с.124-126.
5. Султанова Н.С., Шаманов Ш.Х., Хасанова. Волокно из смеси первичного и вторичного полиэтилентерефталата. International scientific-online conference “Innovative research in science”, 16.06.2022, с.98-100.

O‘ZBEKISTON VA BMT: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH YO‘LIDA HAMKORLIK

Xudoyorov Umidjon Dagarovich

Sirdaryo viloyati Yuridik texnikum o‘qituvchi

3-darajali adliya maslahatchisi

Umidjondagarov@gmail.ru

ANNOTATSIYA

Maqolada Hozirgi paytda O‘zbekistondagi BMT tuzilmalari o‘rtasidagi hamkorliklar, O‘zbekiston Respublikasi Birlashgan Millatlar Tashkiloti Nizomi imzolanganligi, Xalqaro huquq vositasi bo‘lgan mazkur hujjatlarning ahamiyati. asoslangan.

Kalit so‘zlar: hamkorlik, rivojlanish, Xalqaro shartnoma, Xalqaro Konvensiyalar, Xalqaro terrorizm, Davlat suverenitet, BMT Xavfsizlik Kengashi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT).

Birlashgan Millatlar Tashkiloti Nizomi imzolanganiga 75 yil to‘ldi. Xalqaro huquq vositasi bo‘lgan mazkur hujjat 1945-yil 26-iyun kuni San-Fransisko (AQSh) shahrida 50 ta davlat, jumladan, sobiq SSSR, Buyuk Britaniya, Xitoy, AQSh, Ukraina va Fransiya tomonidan imzolangan.

1945-yil 24-oktyabr kuni kuchga kirgan BMT Nizomida tashkilotning tuzilmasi, mojarolarni hal qilish va tajovuzkor harakatlar, tinchlik va xavfsizlikka tahdidlarga javob berishning asosiy tamoyillari mustahkamlangan. Ushbu sana BMT tashkil topgan kun sifatida butun dunyoda keng nishonlanadi.

O‘zbekiston Respublikasi BMT Bosh kotibi chaqirig‘iga javoban, Birlashgan Millatlar Tashkiloti tashkil topganiga 75 yil to‘lishi munosabati bilan «BMT 75 yoshda: kelajakka nigoh» mavzuidagi turkum global munozaralarni uyushtirmoqda.

Global munozaralarning dastlabkisi «O‘zbekiston va BMT: Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish yo‘lidagi hamkorlik» deb nomlandi. Anjuman O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligi, Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalari hamda BMTning O‘zbekistondagi vakolatxonasi tomonidan tashkil etildi.

26-iyun kuni videokonferensaloqa shaklida o‘tkazilgan ushbu xalqaro forum ishida O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Raisi Tanzila Norboyeva, O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vaziri Abdulaziz Komilov, BMT Bosh kotibining o‘rinbosari va Tashkilot tashkil topgan kunning 75 yilligini nishonlashga

tayyorgarlik ko‘rish bo‘yicha Maxsus maslahatchisi Fabritsio Xoxshild, BMT Bosh kotibining o‘rinbosari, BMTning Jenevadagi bo‘limi bosh direktori Tatyana Valovaya, BMT Bosh kotibining Maxsus vakili, BMTning Markaziy Osiyoda preventiv diplomatiya bo‘yicha mintaqaviy markazi rahbari Natalya German, BMTning O‘zbekistondagi Doimiy vakili Helena Freyzer, mamlakatimizdagi diplomatik korpus vakillari, elchilar, shuningdek O‘zbekiston hukumati a‘zolari, vazirlar, parlament a‘zolari, Konstitutsiyaviy sud va Oliy sud rahbarlari ishtirok etdi.

Xalqaro anjumaning rasmiy ochilishida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Forum ishtirokchilariga tabrigini O‘zbekiston parlamenti Senatining Raisi T.Norboyeva o‘qib eshittirdi.

Davlatimiz rahbari o‘z tabrigida “O‘zbekiston BMTning Nizomi, Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va boshqa xalqaro shartnomalarning maqsad va tamoyillariga sodiq hamda o‘z zimmamizga olgan majburiyatlarimizni og‘ishmasdan bajarib kelmoqdamiz. Bu biz amalga oshirayotgan, 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan Milliy harakatlar strategiyasining eng muhim yo‘nalishlaridan biridir”, deya ta’kidlagan.

Anjuman ishtirokchilari e’tiboriga BMT Bosh kotibi Antonio Gutterishning video-murojaati namoyish etildi.

BMT Bosh kotibining o‘rinbosari va Tashkilot tashkil topgan kunning 75 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko‘rish bo‘yicha Maxsus maslahatchisi F.Xoxshild hamda BMT Bosh kotibining o‘rinbosari, BMTning Jenevadagi Bo‘limi Bosh direktori T.Valovaya anjuman ishtirokchilarini qutladi.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Spikerining birinchi o‘rinbosari, Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy markazi direktori Akmal Saidov ta’kidlaganidek, ushbu xalqaro forum BMT Nizomi imzolangan tarixiy kunda o‘tkazilayotganida, uning ishida BMT va ushbu nufuzli Tashkilotning butun dunyodagi tuzilmalaridan oliy darajadagi vakillar ishtirok etayotganida hamda mazkur anjuman yer yuzidagi insonlar hayotini yaxshilash uchun global hamkorlikning muhimligini alohida urg‘ulashda o‘ziga xos ramziy ma’no bor.

Bugungi kunda Birlashgan Millatlar Tashkiloti dunyodagi yagona, tom ma’noda universal xalqaro tashkilot hisoblanadi. BMT davlatlarning o‘z sarhadlaridan tashqariga chiqadigan masalalarni hal etib kelmoqdaki, bu muammolarga bironta mamlakatning yolg‘iz o‘zi yechim topishi mushkul.

Bundan 28 yil muqaddam yangi demokratik davlat – O‘zbekiston Respublikasi – Tashkilotning teng huquqli a‘zosiga aylandi. Shundan buyon biz o‘z masalalarimizni hal etishda doim BMT ko‘magiga tayanib kelmoqdamiz.

BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish ta’kidlaganidek, “Oldimizda turgan muammolarni hech bir mamlakat, hech qaysi jamiyat yakka holda hal eta olmaydi va

shuning uchun barcha sa'y-harakatlarimizni birlashtirishimiz zarur. Biz nafaqat so'zlashimiz, balki tinglashimiz ham lozim".

O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, «O'zbekiston BMT tuzilmalari bilan yaqin hamkorlikni davom ettiradi».

Ma'lumki, bundan besh yil avval BMTga a'zo-davlatlar 2030-yilgacha mo'ljallangan Barqaror rivojlanish kun tartibini qabul qilgandi. O'zbekistonda Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish bo'yicha Milliy indikatorlar hayotga samarali tadbiq etilmoqda. Mamlakatimiz Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish bo'yicha o'zining ilk Ixtiyoriy milliy sharhini keng jamoatchilik muhokamasidan o'tkazib, BMT Iqtisodiy va Ijtimoiy kengashiga taqdim etdi.

Xalqaro forum munozaralari doirasida bugungi kunda BMT oldida turgan dolzarb muammolar va O'zbekistonning xalqaro maydonda ortib borayotgan roli atroflicha muhokama qilindi.

Onlayn-muloqot ishtirokchilari tomonidan ilgari surilgan g'oya va takliflar 2020 yil sentyabrida davlat boshliqlari va BMT rahbariyati muhokamasi uchun taqdim etilishi kutilmoqda.

Barqaror Rivojlanish maqsadlari respublika uchun alohida ahamiyatga ega, zero BMT tarixida ilk bor umumqamrovli global maslahatlashuv jarayonida 2030 yilgacha rivojlanish borasida yagona nuqtai nazar ishlab chiqildi. Ushbu kun tartibi BMT ning 193 ta a'zo davlatlari tomonidan tasdiqlandi va shu tarzda 2030-yilgacha dunyoga nisbatan umumiy nuqtai nazarni ifodalaydi.

BRM falsafasi shundan iboratki, iqtisodiy rivojlanish jarayoni ijtimoiy himoyani takomillashtirish hamda aholining yordamga muhtoj qatlamlarini rivojlanish jarayonlariga jalb etish bilan barobar davom etishi kerak.

1992-yildan boshlab BMT O'zbekistonga ko'rsatgan moliyaviy ko'magi qariyb 471 million AQSh dollariga teng bo'ldi. Ushbu moliyaviy yordam O'zbekistonni rivojlantirish maqsadida boshqa davlatlarning ilg'or tajribasini ommalashtirishda ifodalandi.

Rivojlanish bo'yicha milliy va xalqaro sheriklar bilan hamkorlik qilish asnosida, BMT O'zbekistonda uning Hukumatiga mamlakatning gullab-yashnashini ta'minlash va barcha fuqarolar uchun munosib turmush sharoitlarini yaratish borasidagi muhim ahamiyatli maqsadlariga erishish yo'lida ko'mak ko'rsatishni davom ettirish niyatida.

Hozirgi paytda O'zbekistondagi BMT tuzilmalariga quyidagilar kiradi: BMT Taraqqiyot Dasturi (BMTRD), BMT Aholishunoslik jamgarmasi (YuNFPA), BMT Bolalar Fondi (YuNISEF), Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JST), Birlashgan Millatlar Tashkilotining Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha tashkiloti (YuNESKO), BMTning giyohvand moddalar va jinoyatchilik bo'yicha boshqarmasi

(BMT GJB), BMTning Markaziy Osiyoda preventiv diplomatiya bo'yicha hududiy boshqarmasi (MOPDHB), Xalqaro mehnat tashkiloti (HMT), Birlashgan Millatlar Tashkilotining oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti (FAO), Migratsiya bo'yicha xalqaro tashkilot (MXT) va BMT Ko'ngillilari dasturi (BMTK).

BMTning mustaqil ixtisoslashtirilgan agentligi bo'lgan Jahon banki ham mamlakatda Birlashgan Millatlar Tashkilotining ishiga salmoqli hissa qo'shmoqda.

Mamlakatda o'z vakolatxonalariga ega bo'lmagan holda O'zbekistonga yordam ko'rsatayotgan agentliklar BMT ishiga qo'shimcha hissa qo'shmoqda. Ular qatoridan BMTning atrof-muhit bo'yicha dasturi (YuNEP), Atom energiyasi bo'yicha xalqaro agentlik (MAGATE), BMT OIV/OITS bo'yicha birlashgan dasturi (YuNEYDS) va "BMT-Ayellar" o'rin olgan.

Adabiyotlar:

1. Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazining matbuot xizmati maqolasidan
2. 24 oktyabrda Toshkentdagi Xalqaro Press-klubda O'zbekiston bilan BMT o'rtasida Birlashgan Millatlar Tashkiloti tashkil topgan kunga bag'ishlangan barqaror rivojlanish sohasidagi hamkorlik masalalari bo'yicha yig'ilishdan ma'ruzasidan.
3. Xalqaro huquqni muhofaza qiluvchi tashkilotlar. O'quv qo'llanma.— T.: Nashriyot TDYU A.Egamberdiyev, Sh.Mirzayev, Z.Borsieva, U.Zakirova.

НЕОГЕН ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁНИНГ ИҚЛИМИ

Исҳоков Гуломжон Фарходович

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти

E-mail: iskhakov.88@list.ru

Аннотация: Ушбу илмий мақоламиз олдинги неоген даври иқлими ҳақидаги мақоланинг давоми ҳисобланади. Неоген даврида содир бўлган тектоник жараёнлар бу даврдаги Ўрта Осиё иқлимига қандай таъсир кўрсатгани, табиати, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси, дарахлари, ҳарорати, ёғинлари ва бошқа асосий иқлимни қандай бўлганини тавсифловчи омиллар ёритилган.

Калит сўзлар: Неоген, бронтотикан, бронтотиган баргли, ўрмонлар, денгиз, иқлим, ҳарорат, фауна, моллюска, чўл-дашт, палеоиклим, Ўрта Осиё, плиоцен, олигоцен, миоцен, денгиз, океан.

Abstract: This scientific article is a continuation of the previous article about the climate of the Neogene period. How the tectonic processes that took place in the Neogene period affected the climate of Central Asia during this period, the nature, flora, fauna, trees, temperature, precipitation and other main climate factors are highlighted.

Key words: Neogene, brontotican, brontoigan leafy, forests, sea, climate, temperature, fauna, mollusk, desert-steppe, paleoclimate, Central Asia, Pliocene, Oligocene, Miocene, sea, ocean.

Асосий қисим. Олигоцен ва миоцен даврлари 37-21 млн йилни ўз ичига олади. Олигоцен бошларида Қозоғистонда Бронтотикан фауна комплекси мажмуаси ботқоқлик ва ўрмонлар иқлими нам ва субтропик саванналар бўлганини кўрсатиб турибди.

Совуш ва аридизация камарни кенгайиб олигоценда саванналарнинг иқлими совуши ва қуриб кетиши, марказий ва Ўрта Осиёда саванналар зонаси кенгайиши бронтотигна баргли ўсимликлар дунёси ўрнига бошқа янги ўсимлик дунёси кириб келган. 32-31 млн йил олдин ва 24-21 млн йилларда бу ҳолатлар кузатилган.

1-жадвал

Геохронологик жадвал қабул қилинган ранглар ва белгилар

Ёши	Ранглари	Индекслар ёки белгилар
Архей эраси	Малинасимон-қизил	AR
Даврлар:		
Кембрий даври	Кўкимтир-яшил	Є
Ордовик	Тўқ яшил	O
Силлур	Яшилсимон-жигарранг	S
Девон	Жигарранг	D
Тошкўмир	Кулранг	C
Пермь	Сарғиш-жигарранг	P
Триаса	Оч-бинафшаранг	T
Юра	Кўк	J
Бўр	Оч-яшил	K
Палеоген	Ярқираган-сарик	P
Неоген	Лимон-сарик	N
Тўртламчи	Сарғиш-кулранг	Q

Юқоридаги 1-жадвалда барча даврлар номлари, белгилари ва уларни ажратилган ранглари кўрсатилган. Бу жадвалдан биз неоген даврини алоҳида ранг билан ажратиб олганмиз.

Бу йилларда Ўрта Осиё ва Манголияда иқлим ва ўсимлик дунёси бирига жуда ўхшаш бўлган. бундан кўриниб турибдикий, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кўрсатадикий, олигоцен охирида Ўрта Осиёнинг марказий кенгликларида иқлим ёзда иссиқ ва қишда ажойиб салқин қорсиз иқлим шакилланган. Қозоғистондаги Мугожар платосида 44° шимоли кенгликда ўсимлик дунёси Г.С. Райюшкиннинг маълумотларига қараганда олигоцен охирида субтропик йирик баргли дарахтлар билан қопланиб доимий яшил ўрмонлар *Cinnamotum cinamotum* шакилланган. Аниқ маълумотларга қараганда бу ўрмонлар замонавий Колхидда ўрмонларини ташкил этган. Г.С.Райюшкин баҳолаши бўйича ўртача ҳаво ҳарорати қишда Мугожарда 2° С, йиллик ёғин миқдори 1000-2000 мм бўлган.

21-15 млн йил олдин Тетис денгизи яқинида илиқ сувли ва стеноглин фаунаси ва моллюскалар шакилланган. Тетис денгизининг шимоли шарқий қирғоғида катта форминиферлар *Viogipsina*, *Steginoporella* ва бирқанча

игнатерили (*Tripneustress planus*, *Scutella panlensis* ва бошқалар) ни учратиш мумкин, ҳамда Мангро ўрмонлари учраган.

Ўрта миоценда Африка ва Евроосиё плиталарининг тўқнашуви ва Тетис ва Ҳинд океани ўртасидаги алоқанинг тўхташи кузатилган ва тоғларнинг тектоник ўсиши ва Ўрта ер денгизи ва Ўрта Осиёни континентал иқлимнинг кучайиш вақти ҳисобланади. Ҳароратни ўсиш кўрсаткичи ва арид иқлим зоналари шуни кўрсатадики Ўрта Осиёда континентал ҳайвонот дунёси ва иқлими кузатилган. В.И. Жегалонинг ёзишича бу вақтда Ўрта Осиёда фауна дунёси деярли икки марта кўп, ҳар хил бир-биридан фарқ қилувчи бебаҳо характерга эга, юқори ривожланган юқори баланд ўрмон биотоплари мавжуд. Бу пайтда палеоландшафтлар ва палеоиклим миоценда оптимал ҳароратга эга бўлганини ва ҳозирги иқлимнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатганини, В.М. Синисиним, В.Е. Хаиним, Н.А. Ясаманов В.Е.Жегалло ва Е.Н.Аноновалар ёзишган. Уларнинг ёзишича шимоли яримшарда термик оптимум ҳолат таҳанлангий асрларида юзага келган. Бу пайтда ботқоқликлар шимоли Қозоғистон ва Ўрта ер денгизигача учраган ёки шаклланган, мангро ва палма, Сабаль иссиқ гурмид иқлим зоналари учрагани, ҳарорат қишда 15⁰С дан кам бўлмаганини кўрсатади.

И.Будиконинг ёзишича бу пайтда CO₂ нинг концентратсияси атмосферада ҳозиргига нисбатан 4-5 марта юқори бўлган. Бироқ Тетис океанининг давом этиши, гарчи эоценга нисбатан торроқ бўлсада, ва у билан боғлиқ, денгиз оқимлари тизимини ҳам иқлим ҳосил қилувчи омил бўлганини билдиради.

18,6-18,4 млн йил олдин CO₂ концентратсияси атмосферада Бергер ва Винцентнинг ўрганишларида совушга сабаб бўлган. 15,3-11,5 млн йил олдин Тетис денгизининг тезда ландшафтланиши орографик ўзгаришларга учрагани иқлимга аридизатсиясига ва иқлимнинг совушига олиб келган. Бу бизга серсовал-ўртамиоцен ва херсон-миоцен тугаши(охири) Тетис ва паратетис ҳавзаларидаги инқирозларни юзага келтирган. Янги маълумотларга қараганда Лопеса-матинесса ва Аугустин ва бошқалар совуш максимумига чиқган миоцен даврида. Бу даврга келиб ер юзида Ўрта ер денгизи ва каспий денгизлари шакллана бошлаган. Бу ерда карабастур фаунаси ва кичик озиклантирувчи зоналар шуни кўрсатади. Чўллар ландшафти бу вақтда ўрта ва марказий Осиёда шакллана бошлаган. Бу даврга келиб асосий жараёнлар ўзгариши Қозоғистон ва Монголия, Ўрта Осиёга тўғри келган. Монголия бир пайитлари орта Осиёга киритилган. Қозоғистон ва Мўғулистонда ўша даврда ҳозирги чўл-дашт зўнасида водий игнабаргли ўрмонлари арча, қандолат шоҳли қарағай, жўка каби намликни яхши кўрадиган ўсимликлар билан қопланган эди.

В.И. Жегалонинг ёзишича бой фауна дунёсида мушуксимонлар, бовид, кийклар, гиеналар, вивер, сичқонсимонлар буерларда саванна ландшафти шакилланганини Ўрта Осиё ва марказий Осиёда қурғокчил иқлим бўлганини англатади. 4,7-3,2 млн йил олдин плиоцен даврида Иртиш ҳавзасида ва Ўрта Осиёга яқин ерларда субтропик фауна ташкил топганини ва дарё моллюскалари топишган. Бу даврларда атмосферада CO_2 нинг улуши 5-10 мартагача кўп бўлган ҳозирги даврга қараганда.

Ҳақиқатдан ҳам, изотопик палеоокеанологик ва палеоклиматологик маълумотлардан маълум бўлишича, иссиқхона режими 45-38 млн йил олдин, 7-8 млн йил ичида Антрактиданинг музликлари музлаши ва шакилланиши билан алмаштирилган. Бу вақтда дунё Океанининг ҳарорати 150 млн йил олдин $13-15^{\circ}\text{C}$ бўлган ва драматик равишда 10°C га тушиб қолган. Бу ўзгаришлар катострафик тарзда океан циркуляциясини “стилини” ўзгартирган. Бўр ва эоценда, кўринадики, Тетис ҳавзасида ўта шўр ва ўта илиқ сувлар ҳисобига чуқур сувларнинг шаклланиши термогалин механизми ишлаган. Ва жуда кўп кенгликларда илиқ иқлим ҳосил қилган. Бу жараёнлардаги ўзгаришлар Ўрта Осиёни ҳам четлаб ўтмаган.

Олигоценда совуқ сувларнинг юқори кенгликларда чўкиши ҳисобига чуқур сувлар ҳосил бўлишининг замонавий механизми ишга туширилди, у ердан пастки оқимлар совуқни экваторга олиб бора бошлади. Шундай қилиб, ер усти иқлим машинаси ҳолатининг иккита бир-биридан фарқ қиладиган тури, 45 дан 200 млн йилгачам бўлган иссиқхона-термогалини ва музлик-психросферасининг иккита режими 7-8 млн йил кўп бўлмаган ораликда кескин ўтиши билан ажралиб туради.

Умумий қилиб айтганда неоген даври ер шарида ва Ўрта Осиёда тектоник ўзгаришлар, иқлим ўзгаришига катта таъсир кўрсатган. Асосий иқлим зўналаридаги ўзгаришлар Ўрта Осиёда катта бўлган. Кейинчалик эса Тетис денгизининг шаклланиши Ўрта ер ва Қора денгизларни шаклланишига катта ҳисса қўшган. Атмосферадаги CO_2 нинг улуши ҳозиргига қараганда 5-10 баробар юқори бўлгани ҳам ҳозирги давримиз иқлимини ўзгаришлигига сабабдир. Тетис денгизининг турли шаклланишларга учраганлари эса муқим аҳамият касб этган. Унинг орографияси эса Ўрта Осиё иқлимига жуда катта таъсир кўрсатган. Неоген даврини биз учламчи давр деб аташимиз ҳам мумкин. Неоген даври қадимги даврлар ичида ўзининг турли иқлим хусусиятлари билан ажралиб туради. Қадимги дунё иқлими жумладан, Ўрта Осиё ҳудудида кейинги тўртламчи давр иқлимининг шаклланишига улкан пойдевор яратган десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўхати:

1. Зубаков В.А. Глобальные климатические события неогена Гидрометеиздат, 1990.-197 б.
2. Долимов Т.Н., Тройцкий В.И. Эволюцион геология Тошкент: Ўқитувчи, 2007.-336 б.
3. Абидев А.А. Дунё нефтгазли худудлари ва акваториялари. Тошкент: Шарқ, 2009,-493б.
4. Арушанов М.Л. Климатический спектр планеты земля. Ташкент.Узгидромет, 2010.-160 б.
5. Баратов П., Магнаткулов М ., Гафников А, Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2002.-220 б.
6. Лосев К.С. Климат: вчера, сегодня... и завтра, Л.: Гидрометеиздат, 1985.-174 б.
7. Наливкин О.В. Палеогеография Средней Азии. М.-Л.: АН СССР, 1936.-455 б.
8. Средняя Азия. Москва: Изд.АН СССР, 1958.-648 б.
9. Шульц С.С. Анализ новейший тектоники и рельефа Тянь-Шаня записки Всесоюзи. Географического общества. Т.3. М.: Географгу, 1948.-
10. Ясаманов Н.А. Ландшафтно-климатические условия юра, мела и палеогена юга СССР, М.: Наука , 1978.-223 б.
11. Ясаманов Н. А. Древния климаты Земли. Л.: Гидрометеиздат, 1985.-296 б.
12. Қориев М, Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1968.-334 б.
- 13.Алисов Б.П., Полтараус Б.В. Климатология Московского университета, 1974.-290 б.

O'RTA MAKTAB O'QUVCHILARIGA INGLIZ TILI GRAMMATIKASINI O'QITISHDA UCHRAYDIGAN MUAMMOLAR: O'QUVCHILARGA O'ZBEK TILINING TA'SIRI

Sharipova Mohidil Shavkatjon qizi

Qo'qon Davlat Pedagogika Instituti

Annotatsiya: Ushbu tezis o'rta maktab o'quvchilariga chet tillarini o'qitishda uchrashi mumkin bo'lgan grammatik qiyinchiliklar, ingliz va o'zbek tillari grammatikasida uchraydigan nomutanosibliklar va ularning til o'rganuvchilarga ta'siri kabi masalalarni tahlil qiladi.

Kalit so'zlar: grammatika, so'z tartibi, tarjima, grammatik qoida va istisno, kelishik.

Annotation: This article analyses grammatical difficulties in teaching english to secondary school pupils, inconsistencies between uzbek and english grammar and their influences to the learners.

Key words: grammar, word order, translation, grammatical rules and exceptions, case.

Hozirgi kunda Respublikamizda o'rta maktablarda chet tillarini o'qitish sifatiga bo'lgan talab ortib bormoqda. Bu o'z navbatida chet tili fani o'qituvchilari zimmasiga yanada kattaroq ma'suliyat yuklaydi. Maktablarda chet tillarini o'qitish jarayonida pedagoglar qo'lga kiritilayotgan yutuqlar bilan birga bir qator qiyinchiliklarga ham duch kelishadi. Bunday o'qitish jarayonida yuzaga keladigan muammolarning asosiy sabablaridan biri o'quvchilarga chet tillarining ikkinchi til sifatida o'qitilishi va ularning ona tilida fikrlashga ko'nikib qolganliklari.

Chet tillar, jumladan, ingliz tili grammatikasini yuqori sinf o'quvchilariga o'rgatishda dastlab ularning o'z ona tillari, ya'ni, o'zbek tili grammatikasidan chuqur bilimga ega ekanliklarini hisobga olish talab etiladi. Chunki har qanday tilning asosini grammatika tashkil etadi va uni o'rganayotgan o'quvchi o'z ona tilisiga taqqoslashga harakat qiladi. Quyida o'rta maktab o'quvchilari uchun ko'proq qiyinchilik tug'diradigan grammatik qoidalarning bir nechtasini ko'rib chiqamiz.

1. Ingliz tilida so'z tartibi(word order)qat'iy va o'zgarmas qoliplarga asoslanadi. O'zbek tilida esa gapdagi so'zlar tartibi, asosan, erkin. Ingliz tilida so'z tartibi quyidagi qolipga asoslanadi:

Subject+predicate+secondary parts of speech

They have grown many beautiful trees over the years.(Ular yillar davomida ko'p chiroyli daraxtlar o'stirishdi.)

O'zbek tilida esa eganing gap boshida, kesimning gap oxirida kelishi doimiy, me'yoriy hol hisoblanadi. Ega va unga bog'lanib kelgan ikkinchi darajali bo'laklar ega tarkibini, kesim va unga bog'lanib kelgan bo'laklar kesim tarkibini tashkil qiladi. Aniqllovchi aniqlanishdan oldin keladi: *yam-yashil bog'lar, oppoq daraxtlar* kabi. To'ldiruvchi fe'ldan oldin keladi: *kinoni tomosha qilmoq, o'qituvchi bilan bahslashmoq*. Hol ham fe'ldan oldingi o'rinda joylashadi: *bugun boramiz, tezda qaytamiz*. Aniqllovchi ega bilan, to'ldiruvchi va hol esa kesim bilan mantiqiy butunlik hosil qiladi. O'quvchilar o'z ona tilisida fikr yuritishga ko'nikib qolganliklari sabali o'zbek tilidagi gapni ingliz tiliga tarjima qilayotganlarida ular o'zbek tilidagi gap tartibiga rioya qilgan holda tarjima qilishadi. Chunki bu qolip ularning miyalarida hamisha tayyor holda turadi. Gapda ishlatilayotgan so'zlar to'g'ri tanlangan taqdirda ham, ularning gapdagi o'rni o'z ona tillaridagi kabi joylashadi. Masalan: *Men kecha maktabga bordim*. Bu gapni tarjima qilayotgan o'quvchi ingliz tilidagi *I, went, yesterday, school* so'zlarini oldingi darslarda olgan bilimiga tayangan holda to'g'ri tanlashi mumkin, lekin tarjima qilayotganda xuddi o'z ona tilisidagi kabi so'zma-so'z tarjima qilishga harakat qiladi: *I yesterday went to school* kabi.

Bunday xatoga yo'l qo'yan o'quvchilar nafaqat o'zbek tilidan ingliz tiliga, balki, ingliz tilidagi gaplarni o'zbek tiliga tarjima qilganda ham so'zlarni o'z o'rniga qo'yishda qiyinchilikka uchraydi. O'quvchi gapning umumiy mazmuniga tushunsa ham, so'zlarni o'z o'rniga qo'yib tarjima qila olmaydi yoki u bu jarayonga ko'p vaqt sarflaydi.

2. Ba'zi o'zbek tilidagi gaplar ingliz tilida maxsus birikmalar bilan ifodalanadi. Masalan: *Stolning ustida guldori bor*. Bu gapda *stolning ustida* birikmasi ingliz tilida gapning oxirida joylashadi va *there is* birikmasi bilan ifodalanadi. Ko'plab o'quvchilar ana shunday birikmalar bilan tarjima qilish o'rniga so'zma-so'z tarjima qilishga harakat qilishadi va egani odatdagi tartibda gapning boshiga qo'yishadi va quyidagicha noto'g'ri gap tuzishadi: *The table has vase*, kabi.

3. O'quvchilar uchun ingliz tili grammatikasida qiyinchilik tug'diradigan yana bir jihat bu ingliz tilida o'zbek tilidagi kelishik qo'shimchalarining mavjud emasligi. Ingliz tili analitik tillar turkumiga kirganligi sababli, unda har bir ma'no ko'p hollarda so'zga qo'shiluvchi qo'shimchalar – affikslar yordamida emas, balki yordamchi so'zlar, so'z tartibi va intonatsiya yordamida ifodalanadi. O'rta maktab yoshidagi bola o'z ona tilisida so'zlarni qo'shimchalar yordamida bog'lab ma'no hosil qilgan bo'lsa, ingliz tilida shu qo'shimchalar o'rniga yordamchi so'zlar va predloglardan foydalanish uning uchun bir muncha mushkuldir. Hatto o'zbek tilida mavjud ba'zi qo'shimchalar ingliz tilida umuman ifodalanmasligi ham mumkin. Bunda gapni tushinishda to'g'ri

tarjimaga tayaniladi. Masalan, o'zbek tilida tushum kelishigi orqali ifodalangan vositasiz to'ldiruvchi ingliz tilida hech qanday shaklsiz nol ko'rinishida ifodalanadi. Tushum kelishigi faqatgina tarjimada namoyon bo'ladi. Mana bu misoldagi kabi: *I hit the ball*.

Ushbu gapda tushum kelishigi bilan tarjima qilinadigan "ball" so'zida ingliz tilidagi tushum kelishigini ifodalovchi hech qanday grammatik shakl yo'q.

4. Ingliz tilida bir grammatik qoidaga zid keluvchi ya'ni istisno holatlar juda ko'p uchraydi. Ya'ni til o'rganayotgan o'quvchi biror-bir yangi qoida o'rgandi va oxirida bu qoidaga umuman mos tushmaydigan istisno holatga duch keladi va bu grammatik xilma-xillik keyinchalik shu qoidani nutqda ishlatganda chalkashliklarga sabab bo'lishi mumkin. Masalan otlarda ko'plik shakli o'zakka -s yoki -es qo'shimchalarini qo'shish orqali yasaladi(book-books, wolf-wolves). Ammo bir qator otlar borki ular bu qoidaga bo'ysunmaydi. Masalan, man-men, child-children, tooth-teeth kabi.

Sifat so'z turkumida ham xuddi shu holatni kuzatishimiz mumkin: sifatning qiyosiy va orttirma darajalari sifatning o'zagiga -er yoki -est qo'shimchalarini qo'shish orqali yasaladi(big-bigger-the biggest).

Ammo ba'zi sifatning darajalanishi uchun ularning o'zagi o'zgaradi, ya'ni, hech qanday qo'shimcha qo'shilmaydi: good-better-the best, bad-worse-the worst, far-further-the furthest kabi.

Yuqorida ta'kidlab o'tilgan bir qator chet tili o'qitish jarayonidagi qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun o'qituvchi o'quvchilarning o'zbek tili borasidagi bilimlarini ham hisobga olishi va qiyosiy lingvistikaga tayangan holda darslarni olib borishi zarur. Darsliklarda keltirilgan grammatik qoidalar va misollarni ham o'quvchilarga tushunarli bo'lishi uchun o'zbek tilida ham sharhlashi maqsadga muvofiqdir. Bundan tashqari darslikda namuna sifatida berilgan misollarni o'quvchilarga tanishtirish bilan birga ulardan yana shunga o'xshash gaplar tuzishni so'rash bilan ularni mustaqil fikrlashga o'rgatish mumkin.

Hajmi jihatidan katta matnlar ustida ishlash jarayonida o'quvchilar tarjima qilayotgan gaplarga e'tibor qaratish va ular barcha gap bo'laklarini o'z o'rniga qoygan holda tarjima qilishyaptimi yoki bo'laklarning o'rnini almashtirib aytishyaptimi, mana shu jihatga e'tibo' berish, agar zarur bo'lsa ingliz va o'zbek tili grammatikasidagi so'z tartibi qoliplarini takrorlash darslarida bolalarga qayta o'rgatish va zarur bo'lsa yod oldirish o'qituvchilarning zimmasidagi muhim vazifalardan biridir.

So'nggi yillarda Respublikamiz ta'lim tizimida chet tillarini o'qitishga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi va bu jarayonda yuzga kelayotgan muammolarni bartaraf etish choralari ham ishlab chiqilmoqda. Zamonaviy ta'limdagi ilg'or metodlardan foydalangan holda darslarni tashkil etish dars jarayonidagi muammolarning yechimi bo'lib xizmat qila oladi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Umaraliyev Z. B., To'ychiyev I. K, Akramova N. M, "Problems encountered in learning English for specific purposes, 2019
2. D.B. Agzamova, English teaching methodology, Barkamol fayz media-Toshkent 2016
3. EPRA: International journal of research and development, volume 5. 2020
4. Stern H.H.(1983) Fundamental concepts of language teaching, Oxford: Oxford University Press
5. The use of Onomatopoeia in Child Language Learning. It is Useful or Just for Fun? Bourdji Asmaa, Ministry of higher education and scientific research Abd El - hamid ben Badis University Faculty of letters and languages Department of English, 2016

Internet manbalar:

6. <https://www.the-best-childrens-books.org>
7. <https://www.getepic.com>
8. <http://e-biblio.univ-mosta.dz>

IMPORTANCE OF METONYMY IN ENGLISH AND USE IN OTHER LANGUAGES DURING THE TRANSLATION PROCESS

Dusmuradova Yulduz Tuychi qizi

Abstract: This article explains what metonymy is and its importance. In addition, important aspects used in the process of translation in other languages are highlighted.

Key words: metonymy, linguist, linguistic phenomena, phrase, theory.

In the period of development of information and communication technologies of the 21st century, the introduction of a new word, phrase or term one language to the second language has become a natural state. In addition to the enrichment and development of the language that is the ability to replace each foreign word with a corresponding lexical unit in its lexical base. Therefore, languages are enriched, polished and beautified by borrowing words from each other. It is no exaggeration to say that word transfer from language to language has become an undeniable linguistic fact of our time. Translation metonymy in translation has always been one of the issues of translation studies that require research.

Metonymy is considered to be a phenomenon of transfer of meaning which is attracting the attention of both linguists and translators. Linguists try to reveal the characteristic features of semes and sememes in polysemous words to this transfer of meaning. Literary scholars consider various means of image in polysemic words to be the factors that create them. In both directions, the goal is the same, and that is to study the multiple meanings of words and their stylistic meanings, learning multiple meanings of the word plays an important role, first of all, for the lexical essence¹⁴. Because one word has different meanings, it requires correct use in oral and written speech. The shades of meaning of words are also widely studied as an important visual tool in fiction.

In our country, we are creating favorable opportunities for introducing advanced methods of teaching using modern pedagogical and information and communication technologies, improving the system of training specialists with proficiency in foreign

¹⁴Islamova, M. Sh. "Fundamentals of Forming a Professional Worldview." Science and Education. Special issue1 2021. p78-87

languages, and developing international cooperation. Also in the process of learning a language, comparing it with one's native language helps to better understand the grammatical aspect of the newly learned foreign language.

J.Buranov is one of the linguists who had carried out a number of theoretical and practical works on the comparative study of the Uzbek and English languages. According to him, comparative typology is a part of general linguistic typology "which studied two or more specific language systems, certain categories in languages deductively separately. By comparing linguistic phenomena in language systems, they create common typological rules and laws. In a two way comparison of two language systems, the descriptive material of each compared language system is compared separately."¹⁵

Metonymy comes from the Greek word "metonymia" which translates to "change of name"¹⁶. Metonymy is a figure of speech in which an object or idea is referred to by the name of something closely associated with it, as opposed to by its own name. Metonymy involves a word or phrase substituting or standing in for another word or phrase.

Though many people might use metonymy subconsciously in their every day speech, writers use it in fiction, essays, and poetry for a number of reasons¹⁷.

1. Metonymy allows writers to express themselves creatively.

Substituting a different word or phrase, as long as connection still makes sense, gives writers the freedom to get more creative with language.

2. Metonymy gives writers the ability to make single words or phrases more powerful.

You can add meaning and complexity to even the most ordinary word by having it stand in to mean something else. For example, take the phrase "the pen is mightier than sword" which contains two examples of metonymy. "Pen" and "sword" are every day words, but when substituted for "written words" and "military force", their meaning become much more symbolic. The phrase implies that the written word is more powerful than military force.

3. Metonymy helps writers be more concise.

¹⁵ Buranov, J. Comparative typology of English and Turkic languages. Moscow. Higher School. 1983

¹⁶ www.google.uz

¹⁷ Goossens, L."The interaction of Metaphor and Metonymy in Expressions for Linguistic Action" in Cognitive Linguistics 1990. p323-340

Short phrases can sometimes be punchier and more profound. Journalists and speech writers often use metonymy to replace complicated ideas with shorter, simpler alternatives to help audiences better understand complicated concepts¹⁸.

People use figurative language every day whether they realize it or not. Common examples of metonymy include in language include:

Hollywood has been releasing a surprising amount of sci-fi movies lately.

Hollywood is a literally a district in Los Angeles, but because it has come to be linked to the entertainment business, celebrities, and movi-making, it is a common example of metonymy.

The kitchen is coming along nicely.

This example means that the renovation work on the kitchen is moving quickly and efficiently. Because kitchen is the room being worked on, we can simplify the sentence using only “the kitchen” as a metonymy phrase.

Here are some another short examples:

“Plate” can mean an entire plate of food.

“Lend me your ears” is a popular metonymy phrase.

“Jeff is a real silver fox!” This is a metonymy that means that Jeff is an attractive older man.

“Give me a hand” means to give someone help.

Because associative and referential thinking are so natural and automatic to us, metonymies can be found and understood frequently in everyday language, literature, and pop culture. Metonymies allow for brevity by replacing lists with an associated category. They summarize complicated processes or programs with shortened phrases. Finally, they emphasize the most important and defining characteristics of a subject such as a “Margherita” for a “Margherita pizza”¹⁹. Besides that metonymy and metaphor are similar, but they are not the same thing. First of all, metonymy associates the qualities of one word or phrase with another word or phrase. Secondly metaphor, however, substitutes a word or phrase with another word or phrase to draw a comparison to their similarities. In conclusion any language has its own vocabulary and forms. The importance of the word in the process of translation between different languages is very great. By properly comparing and translating it into languages, it can provide a lot of information for learners.

¹⁸ Goossens, L. “The interaction of Metaphor and Metonymy in Expressions for Linguistic Action” in Cognitive Linguistics 1990. p323-340

¹⁹ Barrnden, J. “Metaphor and Metonymy: A Practical Deconstruction”. 2006. P49-54

REFERENCES

1. Buranov, J. Comparative typology of English and Turkic languages. Moscow. Higher School. 1983
2. Islamova, M. Sh. "Fundamentals of Forming a Professional Worldview." Science and Education. Special issue 1 2021. p78-87
3. Goossens, L. "The interaction of Metaphor and Metonymy in Expressions for Linguistic Action" in Cognitive Linguistics 1990. p323-340
4. Barrnden, J. "Metaphor and Metonymy: A Practical Deconstruction". 2006. P49-54
5. Barcelona, A. "Metaphor and Metonymy in Crossroads" Berlin. 2002
6. www.google.uz
7. www.edu.uz

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA FUQAROLAR HUQUQLARINING KONSTITUTSIYAVIY ASOSLARI

Matkarimova Malika Normatovna

URDU Tarix fakulteti magistranti,

Urganch 17-son maktabning “Davlat va huquq asoslari” fani o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada O‘zbekiston Respublikasida Fuqarolar huquqlarining Konstitutsiyaviy asoslari haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Bosh Qomusimiz, Konstitutsiya, Qonuniylik, Inson huquq va erkinliklari, Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi, Fuqarolik, Teng huquqlilik, Shaxsiy huquq va erkinliklar, Siyosiy huquqlar, Ijtimoiy iqtisodiy huquqlar, Inson qadri, Ijtimoiy adolat, Oliy qadriyat, Fuqarolar teng huquqliligi, Oliy Majlis Inson huquqlari bo‘yicha vakili, Ombudsman, Inson huquqlari bo‘yicha Milliy Markaz.

Bosh Qomusimizning fuqarolar, xalqimiz va davlatimiz hayotida tutgan o‘rni va ahamiyati beqiyosdir. Unda davlatimizning demokratik mohiyatidan kelib chiqib asosiy inson huquqlari va erkinliklari huquqiy kafolatlangandir. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy g‘oyasi Insonni ulug‘lash, uni muhofaza qilish, har tomonlama kamol toptirish, huquq va erkinliklarini huquqiy himoya qilishdir. Zero, Bosh Qomusimizning eng katta va muhim qismi Ikkinchi bo‘limi bo‘lib, u “Inson va fuqarolarning asosiy huquqlari, erkinliklari va burchlari” deb ataladi. Unda faqat fuqarolar huquqlari belgilab qo‘yilmasdan, xorijiy davlat fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarning ham asosiy huquqlari ham belgilangan. Ushbu qoidalar “Qonuniylik”, fuqarolarning umumiy tengligi, fuqaro va davlatning bir biriga bo‘lgan munosabatlari, o‘zaro bog‘liqligi uyg‘unlashuvidan iboratdir.

Qonuniylik – barcha davlat organlari, jamoat birlashmalari, mansabdor shaxslar va fuqarolar tomonidan amaldagi huquqiy hujjatlarga aniq va og‘ishmay bajarilishiga aytiladi. Asosiy qonunimiz, Konstitutsiyamizning asosiy prinsiplaridan biri “Ijtimoiy adolat” tushunchasidir. Unda davlat inson va jamiyat farovonligini ko‘zlab ijtimoiy adolat va huquqiylik prinsiplari asosida faoliyatini amalga oshirishi belgilangan. Jonajon Vatanimiz ijtimoiy adolatga asoslangan davlat hisoblanadi. Asosiy qonunimizning 18- moddasi ham buning isbotidir.

Unda quyidagicha belgilangan: “O‘zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo‘lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e‘tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeyidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar.

Imtiyozlar faqat qonun bilan belgilanib qo‘yiladi hamda ijtimoiy adolat prinsiplariga mos bo‘lishi shart.”

Teng huquqlilik – barchaning qonun va sud oldida teng huquqliligini, kasb tanlashda, bilim olishda, umuman shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy huquqlardan foydalanishdagi teng huquqlilikni bildiradi. Vatanimizda barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar barcha fuqarolar qonun oldida tengdirlar. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolarining Konstitutsiya va qonunlarda mustahkamlab qo'yilgan huquq va erkinliklari daxlsiz hisoblanadi, ulardan sud qarorisiz mahrum etishga yoki ularni cheklab qo'yishga hech kimni haqqi yo'qdir.

Aslida fuqarolarning huquq va erkinliklari deyilganda, O'zbekiston Respublikasi ya'ni Davlatimiz tomonidan o'rnatilgan, Asosiy Qonun - Konstitutsiyamizda belgilangan bo'lib, har bir fuqaroga berilgan imtiyozlardan shaxsiy hayotda va jamoat ishlarida qatnashish uchun foydalanish imkoniyatlari tushuniladi.

O'zbekiston fuqarolari o'z huquq va erkinliklarini amalga oshirishda boshqa fuqarolarning, davlatning va jamiyatning qonuniy manfaatlariga, huquqlari va erkinliklariga hurmat ko'rsatishi lozim.

Asosiy Qonunimizning 22 –moddasida shunday deyilgadir: "O'zbekiston Respublikasi o'z hududida ham, uning tashqarisida ham o'z fuqarolarini huquqiy himoya qilish va ularga homiylik ko'rsatishni kafolatlaydi". Konstitutsiyamizning bu moddasidan ko'rinib turibdiki, Ona Vatanimiz har bir fuqarosini qayerda bo'lishidan qat'iy nazar, huquq va erkinliklarini himoya qilishi huquqiy kafolatlangan. Nafaqat O'zbekiston fuqarolarining, balki O'zbekiston Respublikasi hududidagi chet el fuqarolarining va fuqaroligi bo'lmagan shaxslarning huquq va erkinliklari xalqaro huquq normalariga muvofiq ta'minlanadi va huquqiy kafolatlanadi, ular ham o'z o'rnida O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, qonunlari va xalqaro shartnomalari bilan belgilangan burchlarni bajaradilar.

O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining asosiy huquqlari va erkinliklari bajarilish sohalari bo'yicha uch turga bo'linadi, ularni ilmiy asosda tavsiflash Bosh Qomusimizda aks etgan. Bular birinchisi "Shaxsiy huquq va erkinliklar" deb nomlanib, Konstitutsiyamizning yettinchi bob va 24-31 –moddalarida bayon etilgan. Ikkinchi huquqlarimiz "Siyosiy huquqlar" deb nomlanib Konstitutsiyamizning sakkizinchi bobi, 32-35 moddalarni o'z ichiga oladi. Uchinchi turi "Iqtisodiy va Ijtimoiy huquqlar" deb nomlanib, to'qqizinchi bob, 36-42 moddalarni o'z ichiga oladi. O'zbekiston Respublikasida Inson Qadri, shaxsning manfaati, uning sha'ni, qadr –qimmatini hamma narsadan yuqori turadi.

Inson huquqlarini xalqaro miqyosda himoya qilinishini ta'minlash esa BMT – Birlashgan Millatlar Tashkiloti faoliyatining asosiy maqsadini tashkil etadi. Inson huquqlari to'g'risidagi asosiy huquqiy hujjatlardan yana biri bu – "Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi" dir. Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi 30

moddadan iborat bo'lib unda inson huquqlarining tartibini va qoidasini belgilovchi huquqiy me'yolar mujassamlashtirilgandir. O'zbekiston Respublikasi 1991 yil 30 sentabrda Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasini rasman tan oldi.

Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi 1948 – yilda qabul qilingan va unda eng muhim inson huquqlarining sanog'i va mazmuni belgilab berilgan. BMTning 1966-yili ikkita — Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi hamda Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to'g'risidagi xalqaro paktlarni qabul qilishi ushbu yo'nalishda qo'yilgan navbatdagi jiddiy qadam bo'ldi. Inson huquqlarining ayrim toifalariga taalluqli ko'plab konvensiyalar qabul qilindi. Bunda aholining himoyaga o'ta muhtoj qatlamlarining huquqlari, awalambor, ayollar va bola huquqlariga alohida e'tibor qaratildi.

O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi insonning asosiy huquqlarini erkinliklarini tartibga solishda ijtimoiy adolat, fuqarolarning teng huquqliligi, fuqaro va davlatning o'zaro javobgarligi g'oyasiga hamda xalqaro huquq talablariga asoslanadi. Jamiyat va Davlat Insonning huquqi va erkinligini sha'ni va qadrini Oliy qadriyat sifatida e'tirof qiladi.

Konstitutsiyamizning 24-moddasida shunday deyilgan: "Yashash huquqi har bir insonning uzviy huquqidir. Inson hayotiga suiqasd qilish eng og'ir jinoyatdir".

Shu bilan biga asosiy qanunimizda Har kim erkinlik va shaxsiy daxlsizlik huquqiga ega ekanligi, Hech kim qonunga asoslanmagan holda hibsga olinishi yoki qamoqda saqlanishi mumkin emas ekanligi belgilangan.

Hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarosi Respublika hududida bir joydan ikkinchi joyga ko'chish, O'zbekiston Respublikasiga kelish va undan chiqib ketish huquqiga egaekani ham belgilangan.

Fuqarolarni erkinliklariga quyidagilar kiradi: fikrlash, so'z va e'tiqod erkinligi

Hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanadi. Har bir inson xohlagan dinga e'tiqod qilish yoki hech qaysi dinga e'tiqod qilmaslik huquqiga ega.

Har bir shaxs mulkdor bo'lishga haqli. Bankka qo'yilgan omonatlar sir tutilishi va meros huquqi qonun bilan kafolatlanadi.

O'zbekiston Davlati fuqarolarning Konstitutsiya va qonunlarda mustahkamlangan huquqlari va erkinliklarini ta'minlaydi va kafolatlaydi. Shu o'rinda Voyaga yetmaganlar, mehnatga layoqatsizlar va yolg'iz keksalarning huquqlarini davlat himoya qiladi.

Shu bilan birga O'zbekiston fuqarolari Konstitutsiyada belgilab qo'yilgan burchlarini to'liq bajaradilar. Asosiy Qonunimizning 48-moddasida shunday deyilgan: "Fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga rioya etishga, boshqa kishilarning huquqlari erkinliklari, sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilishga majburdirlar".

O‘zbekiston Respublikasini ya’ni Ona Vatanimizni himoya qilish — O‘zbekiston Respublikasi har bir fuqarosining burchi hisoblanadi. Inson huquq va erkinliklarining hamma narsadan ustun qo‘yilishi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy mohiyatini tashkil etadi. Qat’iy belgilangan konstitutsiyaviy me’yorlar asosida inson huquqlarini himoya qilish va uni amalga oshirishning tashkiliy huquqiy mexanizmini vujudga keltirish keltirish bo‘yicha O‘zbekistonda faoliyat keng rivoj topgandir. Fuqarolarning huquqlari Konstitutsiyaviy kafolatlari ta’minlanishida bevosita inson huquqlarini amalga oshirilishini ro‘yobga chiqaruvchi turli yo‘nalishdagi faoliyatlar mavjuddir. Ulardan biri Oliy Majlisning inson huquqlari bo‘yicha vakili – Ombudsman, inson huquqlari bo‘yicha Milliy Markaz alohida o‘rin tutadi. Shu bilan birga, fuqarolar huquqlarini himoya qilishda sud, prokuratura, advokatura va boshqa davlat organlari muhim rol o‘ynaydi. Vatanimizda fuqarolar huquqlarini amalga oshirish va muhofaza qiluvchi davlat organlari mavjudligi fuqarolar huquq va erkinliklarini himoya qilish va unga rioya qilishning amaldagi mexanizmining muhim belgisidir. Inson huquqlarini himoya qilishda Oliy Majlisning inson huquqlari bo‘yicha vakili – Ombudsmanning o‘rni juda muhim.

Oliy Majlisning inson huquqlari bo‘yicha vakili – Ombudsman lavozimi 1995-yil 23- fevralda ta’sis etildi. “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisning inson huquqlari bo‘yicha vakili – Ombudsman to‘g‘risida”gi Qonun 1997-yil, 24- aprelda qabul qilindi. Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy Markaz davlatga qarashli, tahlil, maslahat, idoralararo va muvofiqlashtirish organi hisoblanadi. Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy Markazning faoliyati bevosita inson huquqlarini amalga oshirishda, muhim ahamiyat kasb etadi hamda bir qancha yuksak vazifalarni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘yadi.

Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Milliy Markazning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

1. Inson huquqlari va erkinliklarini muhofaza qilishning harakat rejasini ishlab chiqish;

2. Inson huquqlari sohasida O‘zbekiston Respublikasining Xalqaro va Milliy tashkilotlar hamkorligini rivojlantirish;

3. O‘zbekiston Respublikasida inson huquqlariga rioya etilishini va bu huquqlar muhofazasi yuzasidan milliy ma’ruzalar tayyorlash;

4. Davlat hokimiyati va boshqaruv organlariga inson huquqlari bo‘yicha jamoat birlashmalariga maslahatlar berish;

5. O‘zbekistonda inson huquqlarini amalga oshirish va rivojlantirish bo‘yicha ma’lumotlarning axborot bazasini yaratishdan hamda inson huquqlarini

rag'batlantirish va muhofaza qilish sohasida ilmiy ijtimoiy tadqiqotlarni tashkil etish va o'tkazishdan iboratdir.

O'zbekiston Respublikasida mazkur Milliy Markazning tashkil etilishi inson huquqlarini muhofaza qilishning muhim kafolatlaridan biridir.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 31-avgust kuni O'zbekiston mustaqilligining 31 yilligiga bag'ishlangan bayram tadbirida mamlakatimiz xalqini bayram bilan tabrikladi hamda tabrik bilan murojaat qildi va unda Yangi O'zbekiston qanday bo'lishi haqida gapirib: "Bizning maqsadimiz aniq va ravshan. Yangi O'zbekiston:

- har bir fuqaroning hayotini yanada yaxshilash maqsadida davlat xizmatlaridan foydalanish uchun keng imkoniyatlar beradigan;

- odamlar o'z muammolari haqida ochiq gapirishi va ularning yechimi uchun birgalikda harakat qilishlariga barcha sharoitlar mavjud bo'lgan;

- hamma uchun adolatni so'zsiz ta'minlash imkoniyatini beradigan hamda fuqarolari ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, qonun oldida teng bo'lgan;

- tadbirkorlikning rivojlanishi uchun zarur sharoitlar yaratilgan davlat, desak, mubolag'a bo'lmaydi, shuningdek bir so'z bilan aytganda, Yangi O'zbekiston deganda, har bir fuqarosi uchun g'amxo'rlik qiladigan, ochiq va adolatli jamiyat ham tushuniladi", — deya ta'kidladi Davlatimiz Rahbari.

Huquq ijodkorligi – vakolatli davlat organlari va mansabdor shaxslarning (referendum chog'ida – butun xalqning) huquq normalarini o'rnatish, o'zgartirish, takomillashtirish va bekor qilishga yo'naltirilgan maxsus faoliyatidir.

Demokratik davlatda xalqning irodasini, ijtimoiy manfaat va ehtiyojlarni qonun darajasiga ko'tarish huquq ijodkorligining mazmunini tashkil etadi. Demokratik davlat o'zining qonun ijodkorligi, huquq yaratish faoliyatida o'z xalqi bilan, aholisining keng qatlamlari bilan mustahkam bog'liq va chambarchas aloqador bo'lishi lozim. Xalq davlat hokimiyatining birdan-bir manbayi ekanligi Konstitutsiyamizda mustahkamlangan. Shunday bo'lgach, davlat, uning organlari huquq yaratish chog'ida xalq manfaati va ehtiyojlaridan kelib chiqishi mantiqiy holdir. Ayniqsa, qonunni xalq tomonidan saylangan deputatlar qabul qilishida chuqur va bevosita ramziy ma'no bor. Xalq o'z muxtor vakillari orqali qonun chiqarish hokimiyatiga daxldor bo'ladi. Demokratizm huquq ijodkorligida xalq irodasini aniqlash va qonunda ifoda etish darajasi bilangina tavsiflanmaydi. Bu, avvalo, huquqiy hujjatlar qabul qilishda, xususan, qonun chiqarishda xalqning ishtirokini ta'minlashda namoyon bo'ladi. Demokratizm parlament va mahalliy xalq deputatlari kengashlari faoliyati jarayonida aks etadi. Referendum qonun qabul qilishning bevosita demokratik shakli ekanligini yuqorida ta'kidlab o'tgan edik. Shuningdek, demokratiyaning bevosita shakllariga o'ta muhim normativ-huquqiy hujjatlar loyihasining xalq muhokamasiga qo'yilishi ham kiradi. Bunday muhokamalar chog'ida mamlakat fuqarolari, jumladan, olimlar,

mutaxassislar loyiha yuzasidan o'z taklif va mulohazalarini bildiradilar. Shu tariqa xalqning fikri, irodasi qonun chiqaruvchi organga ayon bo'ladi va uni huquqiy normalar mazmunida to'laonli aks ettirish imkoniyati paydo bo'ladi.

Mustaqillik yillarida O'zbekistonda Respublikasida Milliy davlatchilikimizning mustahkam poydevori barpo etilib, unda qonun ustuvorligi va inson huquqlari, uning hayoti, erkinligi, sha'ni va qadr-qimmatini O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida mustahkamlab qo'yilgan boshqa ajralmas huquqlari ta'minlandi.

O'zbekiston Respublikasida inson huquqlarini va erkinliklarini rag'batlantirish, himoya qilish va ularga rioya qilish masalalari davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. 2017 — 2021 yillar oralig'ida O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi doirasida shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlarni ta'minlash sohasida aniq maqsadga yo'naltirilgan chora-tadbirlar amalga oshirildi. Harakatlar strategiyasining mantiqiy davomi sifatida 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekiston Taraqqiyot strategiyasi qabul qilindi.

Yangi O'zbekiston Taraqqiyot strategiyasining ahamiyati shundaki, uning ishlab chiqilishida mavjud muammolar e'tiborga olingan bo'lib va yechimini kutayotgan dolzarb vazifalar aks ettirilgandir hamda eng muhimi, ushbu dasturiy hujjatning ishlab chiqilishida xalqimiz faol ishtirok etdi. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, «Inson qadri uchun» tamoyilini barcha islohotlarimizning bosh mezon sifatida belgiladik. «Davlat – inson uchun» degan ezgu g'oyani hayotga tatbiq etish maqsadida 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasini bevosita xalqimiz bilan maslahatlashib, odamlarimizning fikr va takliflari asosida ishlab chiqdik».

Respublikamizda Inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlash masalasi xalqimiz uchun farovon va munosib turmush sharoitini yaratib berishga qaratilgan demokratik islohotlarning bosh mezoniga aylanib bormoqda.

Davlatimiz tomonidan amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar insonlar hayotini, dunyoqarashini hamda turmush tarzini o'zgartirishga xizmat qilmoqda. Jamiyatimizda «Yangi O'zbekistonni birgalikda barpo etamiz» degan ulug'vor maqsad shakllandi va «Jamiyat — islohotlar tashabbuskori» degan yangi g'oya kundalik faoliyatimizga faol kirib kelmoqda.

O'zbekiston xalqaro maydonda amalga oshirayotgan barcha chora-tadbirlar doirasida inson huquqlarini amalga oshirishga salmoqli hissa qo'shmoqda. Mamlakatimiz xalqaro huquqning to'la huquqli sub'ekti sifatida o'z rivojlanishining yangi bosqichiga ko'tarildi va xalqaro shartnomalar tuzish tashabbuskori sifatida xalqaro normalarni ishlab chiqishda faol ishtirok etmoqda.

Shu bilan birga O'zbekistondagi inson huquqlari va erkinliklari kafolatini ta'minlash maqsadida bir ator ishlar amalga oshirilmoqda, ular inson huquqlari bo'yicha qonunchilik shakllantirildi, mamlakatda inson huquqlarini ta'minlashning institutsional mexanizmlari yaratildi, davlat inson huquqlari sohasida xalqaro hamkorlikni amalga oshirmoqda, inson huquqlari bo'yicha ta'lim va ma'rifat amalga oshirilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Sh.M.Mirziyoyev. "Erkin Va Farovon Demokratik O'zbekiston Davlatini Birgalikda Barpo Etamiz"
2. Sh.M.Mirziyoyev. "Qonun Ustuvorligi Va Inson Manfaatlarini Ta'minlash Yurt Taraqqiyoti va Xalq Farovonligining Garovi"
3. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.
4. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga sharxlar. Toshkent. 2001
5. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. T D YU 2000
6. Inson huquqlari. Oliy o'quv yurtlari uchun qo'llanma.
7. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy huquqi. T. 2002
8. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganish. T. "O'zbekiston" 2001
9. O. Karimova "Huquqshunoslik" T. 2010
10. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi. T. "Adolat". 1996
11. I.I. Lukashuk, A.X. Saidov "hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari".

MUNAVVAR QORINING “UZLATXONA XOTIRALARI” ASARIDA XX ASRNING 20–30 YILLARI HAYOTINING AKS ETISHI

Sabogul Suyunova

O'zbekiston Milliy universiteti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Munavvar qorining hibisxonada yozilgan “Uzlatxona xotiralarim” asarida keltirilgan jadid adabiyotiga oid muhim bo'lgan ma'lumotlar, asarda uchragan jadidchi adiblar va jadidchi siymolarning faoliyati yoritilgan.

Kalit so'zlar: ilm, maktab, axloq, tarbiya, “Uzlatxona xotiralarim”, jadid adabiyoti,

Annotation: in this article in the custody of Munavvar snow on the literature of jadid, which is presented in the written work "memories of Uzlatxona" important information, encountered in the work jadidchi adiblar and jadidchi the activity of the figures is illuminated.

Keywords: science, upbringing, "memories of the establishment", jadid literature.

Munavvar qori Abdurashidxonovning “Uzlatxona xotiralarim” qamoqxonada yozilgan asari bo'lib, aslida bu asar uch qismdan iborat bo'lib ikki qismi ozodlikda yurganida yozilgan. Bizgacha bu asarning qamoqxonada yozilgan uchunchi qismi yetib kelgan. Unda sho'ro davri yoritilgan.

Asarda o'sha davrda bo'lib o'tgan siyosiy voqealar haqida ham ma'lumot berib o'tgan. Bulardan Yanvar voqeasi va “Birlik” jamiyati haqida Munavvar qori “Uzlatxona xotiralarim”da quydagicha ma'lumot bergan: “Yanvar voqeasi munosabati ila ulamo firqasi takror ko'tarilib, bir necha soat hukumat surdi. Man shul vaqtda ularning butun diqqati firqaga kirg'on-kirmag'onlig'ini surishtirmasdan, taraqqiyparvarlarni qidirmoq va qo'lga tushg'onlarni qiynamoqdan iborat bo'ldi”²⁰. Firqa so'zi bu yerda guruh ma'nosida qo'llanilgan. Ulamolar guruhi hokimiyatni atiga bir necha soatga qo'lga olgan va g'alaba qozongan. Bundan maqsadi taraqqiyparvarlarni mag'lub qilish va ulardan o'ch olish bo'lgan. Munavvar qori ham bu vaziyatda qo'l qovushtirib o'tirmaganligini yuqoridagi parchadan ham ko'rsak bo'ladi.

²⁰ Munavvar qori Abdurashidxonov Men sendamen. – T.: Info Capital Group. 2019

Bu voqealar o'z navbatida, qaysidir ma'noda taraqqiyparvarlarning hayotini bolsheviklar hayoti bilan bog'langanligini isbotlardi. Shundan so'ng ular bu borada qandaydir yoshlarni uyushtiradigan jamiyat ochmoqchi bo'lgan, bunga erishgan ham buni "Uzlatxona xotiralari"da keltirilgan quydagi jumlar orqali ko'rishimiz mumkun. "Firqaga kirib ulg'urg'on yoshlar ila honuz kiradig'onlari birga qo'shilub, "Birlik" jamiyati nomida bir jamiyat tashkil qilmoq lozim ko'rildi. Eski shahardagi matbaa binosig'a (ul choqda shtab edi) uch yuz qadar bo'lsheviklar, ishchilar va taraqqiyparvarlar yig'ilub, majlis qildilar. Hammalari bir-birlarini lozim vaqtda himoya qilmoqqa va'da berishub, o'zaro "Birlik" jamiyati nomida bir jamiyat tashkil etdilar."²¹ Yuqorida aytganimizday bu jamiyatni ochishdan maqsadlari yoshlarni birlashtirish va har qanday vaziyatda ham bir-birlarini himoya qilishga o'rgatish bo'lgan. Shuning uchun bu jamiyatning asosiy bosh maqsadini yoshlarni guruhga jalb qilish va har ehtimolga qarshi ularni qurollantirib qo'yish deb belgilaygan. Afsuski, bu jamiyat ham ko'pga bormaygan bor yo'g'i ikki-uch yil ishlaygan. Bundan tashqari, yoshlarning ham ko'pchiligi guruhga kirgandan so'ng bu jamiyatning davom etishiga ortiqcha ehtiyoj qoldirmay o'z-o'zidan yo'q bo'lib ketishgan.

Munavvar qori Abdurashidxonov "Uzlatxona xotiralari" asarida bir nechta jadidchi adiblar va siymolarni keltirib, ularning har biriga alohida to'xtalib o'tgan. Quyda nomlari zikr etilgan jadidchilar muallif bilan bir davrda yashab, o'lkada ilm-marifat tarqatish, teatr-xonalar tashkil qilish, turkistonlik yoshlarni ilmiy qilish uchun maktablar ochish, Turkistonni jaholatdan qutqarish uchun harakat qilgan zodlardir. Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, A.Fitrat, Mannon Ramziy, Muso Begiev, Abduvahob Murodiy, Salimxon, Tojeyev, Usmonbek, Haydar, Sadrxon, Yusuf Ziyobek.

Munavvar qori "Uzlatxona xotiralari" asarida Fitrat haqida bir nechta fikrlar keltirgan. "Fitrat qo'l ostida tuzilgan "Chig'atoy gurungi" uyushmasi tomonidan chiqarilgan til va imlo janjali munosabatida maorif ishlari xiyla oqsagan, sho'ro maktablaridagi bolalardan buyuk bir qismi eski maktablarga qocha boshlag'an edi. Mana shu janjalni bitirish, maorif xodimlarini birlashtirish va xalqning diqqatini sho'ro maktablariga jalb qilish maqsadlari bilan "Nashri maorif" nomida bir uyushma tuzish maslahatlashildi"²² Yuqorida Fitrat boshchiligidagi tuzilgan "Chig'atoy gurungi" uyushmasi va uyushma tomonida ro'y bergan til va imlo janjaliga befarq bo'lmaganligi va bu janjalni bartaraf qilish choralarini ko'rganligini ko'rsak bo'ladi.

Ya'na bir o'rinda Munavvar qori Buxoroda vaqf ishlari bilan birgalikda maorif nazoratini ham olib borishga to'g'ri kelgan, bunga sabab maorif nazoratini muallifdan

²¹ Munavvar qori Abdurashidxonov Men sendamen. – T.: Info Capital Group 2019

²² Abdurashidxonov M. Men sendamen – T.: INFO CAPITAL GROUP, 2019. – B.400

boshqa tajribaliroq kishi bo'lmaganligi bo'lgan. "Fitrat bo'lsa, ul choqlarda: "Man Buxorodan bunday istiqlolni istamasdim. Faqat saroy inqilobigina istardim" deb Buxoro istiqloлчаilaridan arazlab Toshkentda yotardi"²³ Fitrat Buxoroda tashkil etilgan "Ittihodi Buxoro" jamiyatini tuzilishiga qarshi bo'lganligi uchun Buxorodagi istiqloл a'zolaridan xafa bo'lib Buxoroga bormay, Toshkentda qolaganligini o'z xotiralarida keltirib o'tgan.

"Uzlatxona xotiralari"da tilga olingan siymolardan ya'na biri o'zi ruhoniyl bo'lishiga qaramay maktablarda muallimlar yetishmovchiligi bo'lgan bir davrda uch oylik, olti oylik kurslar ochilib muallimlar tayyorlash harakati boshlangan paytda ruhoniylkdan muallimlikka o'tgan Mannon Ramziy edi. Muallif Mannon Ramziy to'g'risida quydagicha ma'lumot aytib o'tgan: "O'zining nihoyatda yumshoq va munofiqlona so'zlari, muomala va xushomadchilig'i ila yuqoriroq doiralarning diqqatini o'zig'a tez jalb etish hunarig'a va tabiatig'a ega bo'lgan Ramziy mana shul hunari va tabiati soyasida juda tez ko'tarila boshladi. 20-yil "risqulovshina"larg'a quvg'in boshlangan chog'larda ul To'raqulovlar quchog'ig'a o'tilib, ularning diqqatini jalb etdi"²⁴ Munavvar qori Mannon Ramziyni o'z manfaati uchun hamma narsaga tayyor, yuqori tabaqa vakillarining diqqatini o'ziga qanday jalb qilishni biladigan bir shaxs sifatida keltiradi.

Munavvar qorining "Uzlatxona xotiralari" asari uch qismdan iborat bo'lganligi va uning ikki qismi xibsga olinmasdan oldin yozilganligini yuqorida aytib o'tgan edik. U oktabr voqealarni uzoqqa cho'zilmasa ham imkon qadar to'g'ri va aniq bundan tashqari dokumentalniyl bir suratda "Ittihodiy taraqqiy"dan boshlab Namangan uyushmasigacha yozmoqchi bo'ladi va Samarqand bo'lgan "Milliy ittihad"ning faoliyati haqida Murodxo'jadan olmoqchi bo'lgan. Chunki Murodxo'ja "Milliy ittihad" jamiyatining yetakchi a'zolaridan bo'lib Samarqand ishlarini undan yaxshi biladigan kishi bo'lmagan.

Munavvar qori Abdurashidxonov o'zbek adabiyoti, madaniyati va fani sohasida faol ishtirok etgan, o'zining adabiy-estetik qarashlari bilan milliy adabiyotshunoslikni va badiiy adabiyotning rivojiga xizmat qilgan ulkan adabiiyl siymodir.

ADABIYOTLAR

1. Abdurashidxonov M. Men sendamen. – T.: Info Capital Group, 2019.
2. Abdurashidxonov M. Xotiralarimdan / Jadidchilik tarixidan lavhalar. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi S.Xolboyev. – T.: Sharq NMAK, 2001.
3. Qosimov B. Milliy uyg'onish. - T.: Ma'naviyat, 2002.

²³ Abdurashidxonov M. Men sendamen – T.: INFO CAPITAL GROUP, 2019. – B.388

²⁴ Abdurashidxonov M. Men sendamen – T.: INFO CAPITAL GROUP, 2019. – B.399

RABG‘UZIYNING “QISASI RABG‘UZIY” ASARIDA QISSA VA HIKOYAT JANRI

Mamatova Sadbara Qo‘ldoshevna

O‘zbekiston Milliy Universiteti

E-mail: sadbara1987@gmail.com

Annotatsiya: Nosiruddin Rabg‘uziyning payg‘ambarlik tarixi haqidagi badiiy qissa va hikoyatlardan tashkil topgan “Qisasi Rabg‘uziy” asari tarkibidagi qissa va hikoyatlarning janr xususiyatlarini tahlil qilishdan iborat.

Kalit so‘zlar: Qisasi Rabg‘uziy, payg‘ambarlar tarixi, hikoyat, rivoyat, xalq og‘zaki ijodi, janr, Nuh alayhissalom, obraz.

Abstract: Tales and stories which are about the history of Nosiruddin Rabg‘uziy’s work which consists of the work “Qisasi Rabg‘uziy” consists of analysing the genre properties of tales and stories.

Key words: Qisasi Rabg‘uziy, prophet, tales and stories, stories, folklore, fairy tales Nuh prophet, image.

Sharq xalqlari og‘zaki ijodini, ayniqsa, rivoyatlarni, payg‘ambarlar va aziz avliyolar to‘g‘risidagi qissalarni chuqur o‘rgangan o‘zbek adibi Nosiruddin Rabg‘uziy bir qancha ibratli hikoyatlar, qissalar yozgan adib sifatida uning ijodidan bizga meros bo‘lib qolgan “Qisasi Rabg‘uziy” asari orqali bilamiz. Qissalar o‘zbek nasrining ajoyib namunasidir. Ularda xalq tilining o‘sha davrdagi ko‘rinishlari butun boyligi, tarovati, kuchi, qudrati, mavjud holati bilan namoyon bo‘lgan. Mavzu doirasiga ko‘ra asar qissalari rang-barang bo‘lib, uning mazmuniga e‘tibor qaratilsa olamdagi butun mavjudot egasi bo‘lgan Allohni ulug‘lash, payg‘ambarlar hayotiga oid voqea-hodisalarni eslash, kamtarinlik va takabburlik, ota-ona va farzand munosabatlari, erk va adolat mavzulariga doir qissa va hikoyatlarga duch kelamiz.

Qissalarda real hayot voqealari bilan bog‘liq mavzular ham ko‘zga tashlanadi. Shuningdek, qissalarda xalq og‘zaki ijodi ta‘sirini ham sezamiz. Asar 72 qissadan iborat bo‘lib, har bir qissa kimningdir yoki ularning sifatlarini madh etish bilan boshlanib, ularning kompozitsion qurilishini ko‘rsatib bera oladi. Shu jihatdan Rabg‘uziy har bir qissa boshlanishida payg‘ambarlarning sifatlarini so‘zlab beruvchi madhiyalar keltiradi. Binobarin Luqmon hakim, Nuh, Yusuf to‘g‘risidagi qissalar

o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Masalan, Sulaymon haqidagi qissaning o'zida bir necha hikoyatlarni ko'ramiz. "Sulaymon bilan boyqush", "Sulaymon va Samandar dev", "Sulaymon bilan mo'rcha", "Sulaymon va Bilqis", "Sulaymon va Hudhud"²⁵ hikoyatlarini ko'rishimiz mumkin. Bularning barchasi kichik hajmdagi hikoyatlar bo'lib, qo'shilgan holda Sulaymon haqidagi qissani to'ldiradi.

Sulaymon bilan boyqush hikoyatida: Hazrat Sulaymon bir kuni boyqushdan so'radilar:

Nima uchun vayronada yashaysan?

Vayrona bu olamdagi merosimdir.

Ne uchun xalq orasida yurmassan?

Odam farzandining bir biriga qilgan zulmini ko'rishni xohlamasman.

Bug'doyni ne uchun yemassan?

Hazrat Odam alayhissalom bug'doy yeb gunohkor bo'ldilar.

Nima uchun suv ichmassan?

Hazrat Nuh alayhissalom qavmlari suvda halok bo'ldi, shuning uchun.

Makoningda nima ish qilasan?

Ey odamlar, hammalaring o'lasizlar, o'lmasdan burun qiyomat tadorigini qilinglar, deyman deydi²⁶. Bundan ko'rinadigi, bir kichik hikoyatda Boyqush obrazining naqadar mukammalligi, uning har bir aytgan so'zlari olam va odamning yaralishidan tortib, g'arq bo'lishigacha bo'lgan voqealar girdobida Allohning buyuk zotligini, uning qudrati va marhamati ulug' ekaniga guvoh bo'lamiz. Sulaymonning ta'rifi keltirilgan bir hikoyatda, podshohlik otasidan meros qolgan Allohning buyrug'i bilan hayvonotu parrandalar, insu-jinslar, dev-parilar, shamol va bulut hammasi Sulaymonga bo'ysunadi. Oltindan to'qilgan beqiyos katta gilamga oltin taxt atrofida, kumush kursilarda o'tirgan vazir-fuzalolari, parilari, lashkarlari bilan Sulaymon istagan tomonda uchib yuradi, qushlar uning boshiga soyabon bo'lishadi.

Bu hikoyatlardagi voqealarga e'tibor bersak, Sulaymon payg'ambar sifatida emas, balki Sulaymon podshoh ekanligi to'g'risida so'zlanayotganini ko'ramiz. Sulaymon payg'ambar sifatidagi holati ko'zga tashlanmay, faqatgina Allohdan so'rash, iltijo qilish orqali insonlarni yomon illatlardan qaytarishga chorlash ruhiyati seziladi. Rabg'uziy qissalari va hikoyatlari nasr hamda nazmda yozilgan bo'lib, ularning hajmi uncha katta bo'lmagan, ixcham voqealar uchun faqat epizod tanlab olinadi. Asardagi voqealarga ahamiyat berilsa bundan keying va oldingi rivojiga e'tibor berilmaydi. Hikoyatlar bir-biriga bog'liq emasdek ko'rinadi. "Uzum hikoyati"da epizod shayton va Nuh alayhissalom ishtirokida voqelar rivoji kechadi.

²⁵ Рабғузӣй, Носируддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузӣй. -Т.: Yoshlar, 2018. -67 b.

²⁶ Rabg'uziy. 1-kitob.-Toshkent: «Yozuvchi», 1990. -240 b.

Hikoyatning boshidan oxirigacha voqealar ular orasida bo'lib o'tadi. Uzunning urug'i yo'qoladi va uni qidirishadi topilmaydi,uzumning urug'i shaytonda ekanligi ma'lum bo'ladi. Shaytonni Nuh alayhissalomni oldiga olib kelishadi va shayton uzum urug'i ekilgach uni uch marta sug'orish sharti bilan urug'ni qaytaradi²⁷. Chog'ir (ichkilik) ning paydo bo'lishi shayton nomi bilan bog'lanadi. Chog'ir ichgan odam holati ta'sirchan o'xshatishlar orqali tasvirlanadi. Bundan ko'rinib turibdiki mast odamning qiyofasi tulki, yo'lbars, to'ng'iz obrazlari orqali ochib berilgani va inson xulqi hayvoniy holatga tushishi, bu esa yomon illatlardan biri ekanligi qoralanadi. Boshqa bir tomondan qaraydigan bo'lsak sirka va shinni paydo bo'lishi Nuh alayhissalom yashagan davri bilan bog'lab o'rganiladi.

Yana bir hikoyatda "Nuhning biri qizi bor edi. Bir qiziga sovchilar sovchilikka keldi. Bersammikan, deb o'yladi. Yana bir keldi, bunga bersammikan, dedi. Xullas, to'rtsovchi keldi va hammasiga berishni ixtiyor qildi. Hammalari qizni olib ketgani keldilar. Nuh alayhissalom qayg'uga botdi. Uyiga kirdi. Uyida bir qiz iti va bir mocha eshagi bor edi. Xudoning qudrati bilan ikkalasi ham qiz edi. Xudo jannatdan bir hurni berdi. To'rtala qizni Nuh to'rtta kuyovga berdi. Qizlarning hammasi bir-biriga juda o'xshar edi. O'zining qizini taniy olmadi. Bir necha kundan keyin sovg'alar olib, qizlarini ko'rgani keldi. Bir kuyovidan so'radi: "Jufting bilan munosabating qanday?" "Yaxshiman, ammo u yemaydiyam, ichmaydiyam". Nuh bildiki, u hur ekan. Ikkinchi kuyovidan so'radi: "Jufting bilan munosabating qanday?" Kuyovi: "Qanjig' ekan", dedi. Nuh bildiki, it ekan. Uchinchi kuyovidan so'radi: "Jufting bilan munosabating qanday?" Kuyovi: "Yeydi, ichadi. Eshakday yotaveradi". Nuh bildiki, u moda eshak ekan. To'rtinchi kuyovidan so'radi: "Jufting bilan munosabating qanday?" Kuyovi dedi: "Men undan mamnunman, payg'ambarlar urug'idan ekan". Nuh alayhissalom bildiki, bunisi o'zining qizi ekan. Olib kelgan sovg'asini unga berdi"²⁸. Bu rivoyat aqidalar va udumlar rivojlanishiga asos bo'ladi.Nuh qizi haqida so'zlayotganida voqealar ketma-ketligi emas balki bir udumning paydo bo'lishini ko'ramiz.Ya'ni hozirgi kungacha shu udum saqlanib qolgan bo'lib,qizi bor uyning sovchilari ham bo'lishiga ishora qiladi.

Asar tarkibida ishtirok etgan qissa va hikoyatlar,asosan,diniy tarixdan saboq berish bilan birga ular badiiy bo'yoqlar orqali shunday tasvirlanadiki, kitobxon tomonidan badiiy asar orqali o'qiladi.Asar qahramonlari ham bizga diniy adabiyotlardan tanish bo'lsa-da, ushbu asar vositasida ularning xarakteri, yetakchilik faoliyati,hikmatlari xususida ham ushbu qissa orqali ma'lumot olamiz.

²⁷ Ziyouz.com

²⁸ Рабғузӣй, Носируддин Бурхонуддин. ҚисасиРабғузӣй.1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи,1990. – Б.46.

Ko‘rinadiki, Rabg‘uziy qissa va hikoyalari insonlar ezguligi uchun xizmat qilishga qaratadi. To‘g‘ri va halol yashash, o‘z mehnati bilan halol kun ko‘rishga, boshqalarga zulm qilmaslikka chorlash Rabg‘uziy qissalar va hikoyalar mazmunini boyitadi.

ADABIYOTLAR

1. Рабғузий, Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.
2. Zohidov P. Rabg‘uziy saodati // Tafakkur. - 2008.- №1, www.kh-davron.uz.
3. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.
4. Рабғузий, Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. – Т.: Ўшлар, 2018.
5. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-sheriyati/o-zbek-mumtoz-adabiyoti/burhonuddin-rabg-uziy-xiii-xiv-asrlar>.

ABDURAUF FITRAT HAJVIY HIKOYALARIDA OBRAZLAR TIZIMI

Sa'dullayeva Dilnoza Nortoqi qizi,

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

E-mail: Sadullayevabdusamad@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada o'zbek jadid adibi va jamoat arbobi Abdurauf Fitratning hajviy hikoyalarida ishtirok etgan obrazlar tizimi tahlilga tortildi. Hikoyalardagi salbiy tiplarga asosan e'tibor qaratildi. Fitratning qissa va dramalaridagi kabi hajviy hikoyalarida ham obrazlar vositasida jamiyat hayotidagi ayrim nuqsonlarni ko'rsatish orqali o'quvchilarni XX asr boshlaridagi ijtimoiy hayot voqealariga jalb qiladi.

Kalit so'zlar: Hikoya, jadid, hajviy hikoya, obrazlar tizimi, salbiy tip, drama, mantiqsizlik (absurd), jangnoma, qissa.

THE TYPES OF IMAGES IN ABDURAUF FITRAT'S COMIC STORIES

Annotation: This article gives information the system of images involved in the comic stories of Uzbek jadid dramatist and public figure Abdurauf Fitrat. The main attention was paid to the negative type of images of Fitrat's stories. In Fitrat's comic stories and dramas attracted readers to the events of social life at the beginning of the XXth century by showing certain defects in the life of society through images.

Keywords: story, jadid, comic story, system of images, negative type, drama, irrationality (absurd), martial arts, short story.

Abdurauf Fitrat ijodi va faoliyati yaqin tariximizning eng porloq sahifalaridan birini tashkil qiladi. Uning zamonida adabiyotni jamiyatga xizmat qildirish bilan shug'ullanmagan ijodkorni topish qiyin bo'lsa-da, so'z va ish birligini hech kim u olib chiqqan maqomga ko'tara olgan emas. yozuvchi adabiyot va madaniyatninggina emas, siyosatning ham tan olingan arboblardan edi.²⁹

Abdurauf Fitratning "Qiyshiq eshon" hikoyasida kambag'al qiz Iqbolning ruhoniyl bir muhitda tarbiyalangani, uni turmushga uzatish uchun boshqa bir dindor kishiga unashtirilgani bayon qilinadi.

Qiyshiq eshon hikoyasi ruhoniyl obrazi salbiy tip sifatida ko'rsatilgan boshqa hikoyalardan farqli sur'atda maqsad faqat hiylagar eshonning kirdikorlarini ko'rsatish

²⁹ Begali Qosimov. Milliy uyg'onish. Ma'naviyat., T.:bet-396

emas, balki, unga mo'te bo'lgan, aldangan kishilarning ahvolini ko'rsatishdan iboratdir. Bu bilan Fitrat insonlarning ko'zini ochishga, din yo'lidan boylik orttirishga berilgan ahloqiy betayin eshonlarning holini ko'rsatib, xalqning ko'zini ochishga bo'lgan harakatidir. Fitratning bu hikoyasi ana shu jihatlari bilan diqqatga molik.

Ushbu hikoya orqali bayon qilingan mantiqqa ko'ra muallifning maqsadi umuman ruhoniylarni keskin tanqid ostiga olish emas balki ayrim illatga duchor bo'lgan shaxslarni ko'rsatishdan iborat edi. Hikoyaning boshida berilgan "Idoradan" rukni ostidagi anglatmaga ko'ra "Fitratning bu asar badiiy jihatdan barkamol bo'lmasa ham navbatdagi jurnal soniga material yo'qligi tufayli berilayotgani aytiladi."

Fitratning "Xayoliy hikoya"si ya'ni "Qiyomat" da "Jannatga sayohat" ning takrorlanmas syujetini yaratgan va bular vositasida ijtimoiy, ma'naviy, siyosiy muammolar ochilgan. Hikoya dastlab 1923-yilda Fitratning Moskvadalik davrida yozilgan. Shu yilning o'zida va keyinroq 20-asrning boshlarida yozilgan va 1936-1956 yillarda keyinroq qayta nashr qilingan.

Fitrat asarni fantastik yo'sinda qurganligi uchun uning haqiqatga to'g'ri kelishi haqida qayg'urmaydi. Yozuvchi uchun "Qiyomat" bir paytning o'zida ham fojia ham komediyadir". Fitrat asosan mubolag'a, hodisani mantiqsizlik (absurd) darajasiga olib chiqish, kuchaytirish kabi vositalardan foydalanadi. Yozuvchi ramzlardan foydalanib hokimiyatning aldovlariga uchgan odamlarning taqdirini ko'rsata olgan. Uning olamni mifologik talqin etishi o'z ijodiga nisbatan emas balki zamonasining voqealariga kinoya bilan munosabatda bo'lganligini ko'rsatadi. Umidsizlik, tushkunlik, boshboshdoqlik manzaralarini yaratar ekan, yozuvchi mamlakatida o'rnatilgan tuzumning absurd ekanini tan oladi. Bu tuzumda odamlar taqdiri faqatgina fojiali bo'lishini bashorat qiladi. Fitratda bu voqealarga ijobiy qarash yo'q. Hikoya boshida qahramonning ko'knorixonadagi oxirgi lahzalari ifodalangan. Muallif diniy adabiyotlarda bayon qilingan qiyomat haqidagi tasavvurlarni real dunyo voqealari bilan bog'lab tushuntirishga bayon qilgan. Fitrat Hikoyasining bosh qahramoni Ro'ziqul (Pochamir) bir umr boyning eshigida xizmatkor bo'lgan. Boyning tomini qurayotganda kutilmaganda yiqilib mayib bo'lgan. Shundan so'ng ishsiz qolib ko'knorixonaga kelib qolgan Pochamir o'z qismati bilan yolg'iz qolgan. Olamda yovuzlik, boshboshdoqlik avj olganda ham yaxshi odamlar dunyoni ushlab turadi. Xuddi shundaylar ko'knorixonada Pochamirni iliq kutib oladi. Ro'ziqul shu yerga ko'nikadi. Bu yerdagilar tish kovlagichlar yasab sotish orqasidan kun ko'rishadi. Hikoyada ko'knorixonadagilar bir-birlariga g'amxo'rlik qiladi. Qiziq tomoni Fitrat insoniy fazilat, munosabatlarni ko'knorixonadan topadi.

Yaxshi ma'lumot egasi bo'lgan yozuvchiga insonparvarlik an'analari juda tanish edi. U yiqilganlarga mehr ko'rsatishga chorlaydi. Bu jihat islom g'oyalariga muvofiq keladi. Tasvirlanayotgan joy ko'knorixona bo'lsada tasvirini qora ranglar bilan

bo'yamaydi. Taqdirdan ezilgan, ojiz, fojiali taqdir egalari yig'ilgan makon sifatida tasvirlaydi. Va bu joyda kishilar, diyonat, insofni saqlab qolganlar. "Ro'ziqul kabilarga birdan-bir sig'inadigan joy shu edi" hatto bu tubanlik fuqarolari ichida qissaxonlar ham bo'lib "Rustami Doston", "Abomuslim" kabi jangnomalar, ba'zan esa "Me'rojnomi" kabi "oxirat" afsonalaridan ham o'qiladi. Pochamirning hayoliy o'limi yetganda uning birodarlari ko'knori xaltalaridan kafanlik xozirlab, uni shariat qoidalariga muvofiq dafn etadilar. Ro'ziqul narigi dunyoda dastlab uchrashgan personajlar Munkar va Nakir ya'ni inson o'lganidan so'ng so'roq qiladigan farishtalardir. Muallif fikr ifodasi maqsadida xoxlagan obrazidan foydalanadi. Ko'p xollarda ramzlarning umr boqiy kitoblardagi obrazlarga tayanishi va o'z tafakkuridan qayta o'tkazishga qayta urinishi sir emas. Bunday vaziyatda mavjud borliqni tanqid qilishda shu kabi g'oyalarga tayanadi.

Shu davrning jamiki og'riqlarini Fitrat Ro'ziqul obraziga jamladi. Pochamir xalqning bir bo'lagi. U va unga o'xshaganlar barcha o'zgarishlarning barcha qiyinchiligini o'z taqdirida totib ko'rdilar.

"Qiyshiq eshon" hikoyasida ruhoniylar obrazi salbiy qahramon sifatida yoritilgan. Xalqning ko'zini ochish uchun yozilgan bir hikoyadir.

Abdurauf Fitrat "Qiyomat" asarida Ollohni inkor etmagan holda hajviy yumor bilan shu davrdagi din peshvolarini qoralagan. Yumor ortiga yashiringan achchiq haqiqatlar, ilmsiz hokimiyat odamlari ruhoniylar nomi bilan niqoblangan.

Asarning til uslubi yozuvchining noinsoniy tuzumga munosabatini ifodalaydi. Asarda keltirilgan Munkar-Nakir amaldorlar va buyrakratlar Ro'ziqul-Pochamirning javoblari esa oddiy insonning o'z haq huquqlariga bo'lgan tajavuzdan himoyalanihidir. Hokimiyat va shaxs o'rtasidagi tarang vaziyat hikoyani oxirigacha davom etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Begali Qosimov. Milliy uyg'onish.. -T.: Ma'naviyat, 1999. B.396
2. Fitrat. A Muhtasar islom tarixi. 5-jild.
3. Fitrat A//Xudosizlar. 1928 yil.
4. "Qiyomat"ni yangicha o'qish tajribasi//. Ninel Vladimirova

MULLA BEKJON RAHMONNING TILSHUNOSLIK MEROSIDA SHEVA MASALALARI

Qurbanova Kumushoy Rashidovna,

Mirzo Ulugʻbek nomidagi Oʻzbekiston Milliy universiteti

E-mail: kumushq@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada jadid adabiyotining Xorazm adabiy muhiti vakili Mulla Bekjon Rahmonning oʻzbek tilshunosligining shevashunoslik sohasiga qoʻshgan hissasi oʻrganilgan, xususan, bu maqolada adibning aynan bogʻdon shevasi boʻyicha olib borgan izlanishlari va tadqiqotlari ochib berilgan.

Kalit soʻzlar: Alanga, tilshunoslik, meros, til-imlo konferensiyasi, sheva, Bogʻdon shevasi, transkripsiya.

DIALECT ISSUES IN THE LINGUISTIC HERITAGE OF MULLA BEKCHAN RAHMAN

Annotation: This article explores the contribution of Mulla Bekjon Rahman, a representative of the Khorezm literary environment of jadid literature, to the field of shevashunism of Uzbek linguistics, in particular, this article reveals the research and research of the writer precisely on the Bogdan dialect.

Key words: Flame, linguistics, heritage, language-spelling conference, dialect, Baghdan, transcription.

Mulla Bekjon Rahmon tilshunoslikning shevashunoslik sohasida ham alohida ahamiyatga ega izlanishlar olib borganligini “Alanga” jurnalida eʼlon qilgan “Bogʻdon shevasi” maqolasi orqali koʻrishimiz mumkin. Bu maqola ushbu sheva bilan tanishishimizga va u haqida batafsil maʼlumot olishimizga xizmat qiladi. Chunonchi, maqola sarlavhasi ostida “Idora” nomidan shunday deyilgan: “Jurnalimizning bu sonidan boshlab oʻzbek tilining bogʻdon shevasiga oid tekshirishini bosamiz. Bu masala bilan qiziqqan oʻrtoqlarning ishtirok etishlarini soʻraymiz”.

“Alanga” jurnalining 1929-yildagi 12-sonida bosilib chiqqan “Bogʻdon shevasi” maqolasida Mulla Bekjon Rahmonning oʻzbek tilining Bogʻdon shevasi boʻyicha olib borgan tekshiruv ishlari yoritilgan. Maqolaning boshlanish qismida muallif bu haqida aytib oʻtadi. Xususan, 15-mayda chaqirilgan til, imlo konferensiyasiga tayyorgarlik koʻrish yuzasidan konferensiyada jonli til, tirik shevalardan namunalar koʻrsatish zarurligi uchun bir qancha hududlarga komissiya yuborishga qaror qilinib, Jizaq va

Yangi Qo'rg'on hududlarida bo'lgan bog'donliklar va O'smatdagi turk va barloslarning shevalaridan hujjatlar yig'ish uchun shu tomonlarga borganligini qayd etadi. Bu vazifani bajarish uchun yangi alifbo markazqo'mi o'n kungina muddat tayinlangani sababli tafsilotli ravishda ishlashga imkoniyat bo'lmagani kabi tekshiruv ishining borishi ham tabiiyki shoshilinch bo'ldi. Maqolada yozilishicha, Bog'don bilan O'smat orasidagi masofaning uzoqligi, yo'llarning yomonligi sababli ko'p vaqtni tog', tepalar ustida yo'l yurish bilan majbur o'tkazgan. Shunday bo'lsa ham markazqo'mning topshirgan vazifasini o'rniga keltirish maqsadida vaqtni bekorga ketkizmasdan bog'don, turk, bog'don shevalariga oid ozroq narsalarni to'play olganlar. Bu ish bilan qiziqqanlar ham tanishishi uchun dastlab bog'don shevasidan yig'ilgan materiallarni taqdim qilayotganligini aytadi. Bu ma'lumotlar Bog'don xalqining jonli tili, tirik shevasining xuddi nusxasi ekanligini muallifning o'zi ham ta'kidlab o'tadi.

Shevani o'rganishda quyidagi masalalarga ko'proq ahamiyat berilganligi maqolada qayd etilgan:

- 1) qaysi qishloq shevasi tekshirilmoqchi bo'lsa, yolg'iz shu qishloqning doimiy o'troq xalqini topib shular bilan ish ko'rilgan;
- 2) shaharlarda ko'p turgan, savdogarlik qilgan va shuning orqasidan sheva jihatidan bir muncha burilganlarga e'tibor qilinmagan;
- 3) o'zi boshqa urug' yoki shu urug'dan bo'lib turib boshqa bir qishloqdan yangi ko'chib kelganlar tekshirilmagan;
- 4) qanday gapirilgan bo'lsa, aynan ko'chirilgan;
- 5) savodlilarga qaramasdan savodsizlar bilan ish ko'rilgan;
- 6) bir tovushning qanday tovush ekanligida bo'lgan shubha bir qancha kishilar orasida to'g'irlandi.

Ushbu maqolada Bog'don shevasining nomiga, uning kelib chiqish tarixiga hamda shevaga xos xususiyatlarga to'xtalib o'tilgan. Maqolada Bog'don shevasidagi so'zlar va tovushlar haqida yetarlicha ma'lumot berilgan hamda bog'doncha maqollar, topishmoqlar, qo'shiqlardan ham misollar keltirilgan.

Muallif maqolada Bog'don xalqi va uning shevasini o'rganish xususiyatlariga qarab sarlavhalar (qismlarga bo'lgan) bergan. Xususan, "Bog'donlilarning tarixiy tomoni" degan qismda ushbu xalqning kelib chiqish tarixiga to'xtalib o'tadi: "O'rta qishloqli Hofiz Mirzo o'g'lining bayonotiga ko'ra, Bog'don qishloqining tuzilganiga sakkiz ota bo'lgandir. Uning otasi sakkizinchi otani tashki qilar ekan. Bu kishining birinchi otasi qora mang'/qit urug'ining chavqay bo'lagidandir.

Bog'donliqlar kabi gapiradigan mang'itlar, Chimkent (Qora buloq) da bordir"³⁰.

³⁰ Bekjon Rahmon o'g'li. Bog'don shevasi // ələngə. –1929. №12 B.26-28

Bu qismdan keyin “Bog‘don qishloqining oti” sarlavhasi ostida “Bog‘don” nomining kelib chiqishiga batafsil to‘xtalib o‘tadi: “El buzilib (taxminan 200 yil ilgari) har kim har yerga tarqagan. Bog‘donlilar shu qishloqqa kelib qolganlardir. Bular kelmasdan oldin qishloqning oti (savr) degan ekan. Bog‘don demakning ma‘nosi, “Bog‘dor” demak bo‘lib, yanglish o‘laroq Bog‘don deb atalib ketgandir. Ilgarida esa soylarda bog‘lar ko‘p bo‘lg‘anidan bog‘i ko‘p ma‘nosida (bog‘dor) der ekanlar.

“Jomchisoy qishlog‘idan Mamat Abdurazzoq o‘g‘lining bayonotiga ko‘ra, bu kishi Mang‘itning oq Mang‘it urug‘ining Sabli degan bo‘lagidandir. Jomchi qishloq xalqi ham shu bo‘lakdan o‘rub ketgan (tarqab)dir. Bular Toshkentdan narida (O‘tkili zar) degan yerdan ko‘chib kelganlar. Ko‘chishlariga sabab, O‘tkili zarga ilon yog‘gan. Bu qishloqqa kelganlaridan beri to‘rt ota o‘tgan.

Har ikki bayonotga ham qaraganda bog‘donliklar bu tomonlarga Toshkent taraflaridan kelganliklari anglashilgani kabi bularning Toshkentning eng eski shevasi bilan gapiradigan kishilar ekani ma‘lum bo‘ladi. Xususan, jam‘odati bo‘lgan (miz, мѣз) qo‘shimchalarining (viz, вѣз) shaklida qo‘llanishlari, Toshkentning eng eski shevasining qoldiq namoyandasi Bog‘don shevasi ekanida shubha qolmaydi va ayni zamonda bog‘donlilarning Toshkent tomonlaridan kelganliklari shu tushunchani oydinlatadi”³¹.

Maqolaning “Bog‘don shevasidagi tovushlar” bo‘limida harflarning ushbu shevadagi so‘zlarda qanday tovushlarni ifodalab kelishini transkripsiya orqali ko‘rsatib o‘tgan.

Bulardan keyin Mulla Bekjon Rahmon “Bog‘don shevasida unlilarni bir-biri bilan almashinuvi hamda ortdiriluvi” haqida ham ma‘lumot beradi.

Maqolaning “Bog‘doncha so‘z va o‘zgarishlar” degan qismida muallif ismlar, adadlar (sonlar), olmoshlar va fe‘llarga bog‘don shevasida misollar berib o‘tadi:

“Hozirgi zamon fe‘li: oldim-olaviz; olding-olasiz. Ikkiviz olamiz. Un olayviz. Otni oldimxu. Savzi oladimi: Olaymi deb so‘rasa, olaqo daymiz.

Davomiy fe‘l: kelayapman=kelyatipman.

Tilak fe‘li: Ho‘kiz olayiq. Uyga borayiq.

Hol fe‘li: Olib kelgin. Ko‘rup qo‘ygin. To‘xtaptu (to‘xtab tur demak). Muzore’ fe‘li: borarman, borarviz;

borarsan, borariz; borar, borarlar; yuqar. Qozonga yo‘lama qorasi yuqar.

Ta‘kid fe‘li: ot bilan kelgin.

Qo‘shma fe‘l: olaqo (ola qol). Uyimga kela qo kabi. Oladigan, ko‘radigan. Ko‘radigan kishim bor kabi”³².

³¹ Bekjon Rahmon o‘g‘li. Bog‘don shevasi // ələngə. –1929. №12 B.26-28

³² O‘sha manba.

“Bog‘doncha ayrim so‘zlar” qismida shevadagi ayrim so‘zlardan misollar keltiradi:

“Съмалъ=kichkina qumursqa (Xorazmchasi, qorinja nolasi).

Tur=o‘tirgan yeringdan oyoq ustiga tur. Fosiycha bixez, arabcha qum demakdir.

Kəllə=bosh, sar, ras.

Sy:t=sut.

Tys=rang, kayfiyat.

əjtivci=go‘yanda.

Joqlamaq=axtarmoq, tekshirmak, borlamoq”³³.

Bekjon Rahmon maqolasida Bog‘don shevasini o‘rganish natijasida qo‘lga kiritilgan ayrim misollardan ham namunalar keltirilgan. Masalan, bog‘doncha maqollar:

1. Chumchuq sumurup botmon bo‘lmas, botmon bo‘lub qozon to‘lmas.
2. Qozonga yo‘lama qorasi yuqar. Yomonga yo‘luqsang balosi yuqar.
3. Eshikdan oqqan suvni qari yo‘q.
4. Bo‘sag‘adan topilsa to‘rga o‘tma.

Maqollardan keyin bir qator topishmoqlar berilgan va ularning javoblari ham qavs ichida ko‘rsatilgan. Shuni ta’kidlash joizki, folklorshunoslikdagi “topishmoq” janri maqolada “jummoq” deb berilgan va uchta namuna keltirilgan:

1. Qo‘tur tuya kulga ag‘naydo. (Qotirma)
2. O‘zu to‘q, ko‘lankasi yo‘q. (Quduq)
3. Hakim cho‘loq yer teshar. (Tomchi)

Maqolaning yana bir xarakterli tomoni shundaki, Bog‘don ekspeditsiyasi paytida yozib olingan qo‘shiqlardan ham namunalar berilgan. “Ziyvodon”, “Gashtakda” kabi qo‘shiqlar berilishining xarakterli tomoni shundaki, ulardagi sheva xususiyatlari transkripsiyada ham aks etgan.

Qo‘shiqlar:

Ziyvodon

Ziyvajon otlandi chiqdi soy bilan

Qo‘lida chiyniy piyola nay bilan.

Chiynini nodonga bermang sindirur.

Ol nodon qachon qangulni tindurar.

Gashtakda

Bayit aytay basaya,

Bizlar bayit aytkanda

Tikkan ro‘molin xasaya.

Begijon quloq solsaya³⁴.

³³ Bekjon Rahmon o‘g‘li. Bog‘don shevasi // ələnga. –1929. №12 B.26-28

³⁴ Bekjon Rahmon o‘g‘li. Bog‘don shevasi // ələnga. –1929. №12 B.26-28

